

Зикрилла НЕЪМАТ

СОҒИНЧ ДУНЁСИ

Шеърлар ва дoston

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти
Тошкент - 2006

84 (5У)6 - 5
Н 52

ЎЗБ. 2д.2б. асарлари —
Шеърлар

Неъматов Зикрилла
Н 52 Соғинч дунёси: Шеърлар ва дoston/
З.Неъмат. - Т.: Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти,
2006. - 68 б.


ББК 84 (5У) 6

Зикрилла Неъмат — Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида туғилган. 1989 йилда ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини, 2001 йилда эса Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясини тугатган.

Қўп йиллардан буён бадиий ижод билан шуғулланади. Унга яқин китоби чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Зикрилла Неъматнинг ушбу янги шеърий баёзида яқин йилларда ёзган турли мавзудаги шеър, ғазал, мухаммас, туюқлари ва достони жамланган. Шоир ўз асарларида эзгулик, меҳр-оқибат ва инсонийлик, озод ва муқаддас Ватанимизга садоқат туйғуларини ўзига хос услубда куйлайди. Оташнинг муҳаббат, ёр васфи, соғинч ва ҳижрон азобларини ўтли мисраларда тараннум этади.

Умид қиламизки, ушбу назмий гулдаста ҳам шеърят мухлисларига муносиб тўхфа бўлади.



10 32668
081

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

© Зикрилла Неъмат
© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти. 2006 йил.

ИШҚИНГ БИЛАН ЁНУРМАН, ВАТАН!

ОГОҲЛИК

Дунё гоҳ симобдай қалқир беомон,
Ногаҳон қайдадир отилгай вулқон,
Қайдадир бегуноҳ тўкилгайдир қон,
Бало-қазолардан қолмоқчун омон —
Эй азиз одамлар, огоҳ бўлингиз,
Фафлат уйқусидан уйғоқ бўлингиз!

Не тонг, осмон баланд, ер эса қаттиқ,
Ҳамон яхшиларнинг қисмати аччиқ,
Ёмонлар қўйнида олиб юрар тиг,
Мотамга айланиб қолмасин қўшиқ —
Эй азиз одамлар, ҳушёр бўлингиз,
Ҳар дақиқа, ҳар дам бедор бўлингиз!

Каслар бордир мол-дунёга сотилгай,
Маҳмуд Яловочлар ҳамон топилгай,
Хилватда пайт пойлаб Абдулатифлар,
Мирзо Улуғбеклар боши чопилгай —
Эй азиз одамлар, огоҳ бўлингиз,
Фафлат уйқусидан уйғоқ бўлингиз!

Юртим деб, ўт-олов кечганлар ҳаққи,
Халқим деб, жонидан кечганлар ҳаққи,
Бегуноҳ қонлари юлдузга сачраб,
Бемаҳалда ўққа учганлар ҳаққи —
Эй азиз одамлар, огоҳ бўлингиз,
Ҳар дақиқа, ҳар дам бедор бўлингиз!

Ҳушёр бўлинг соддадил болангиздан,
Кўзни узманг ул кўзи қорангиздан,
Балолар чиқмасин ўз орангиздан,
Фойда йўқдир сўнг оху нолангиздан —
Эй азиз одамлар, огоҳ бўлингиз,
Фафлат уйқусидан уйғоқ бўлингиз!

Ҳамон бир дард ўртар еру самони,
Кимлар қувғин қилди Ибн Синони,
Кимлар ўлдиртирди Мўмин Мирзони,
Дил даъватин тинглангиз Зикриллони,
Омон сақлаб қолмоқ учун дунёни —
Эй азиз одамлар, ҳушёр бўлингиз,
Ҳар дақиқа, ҳар дам бедор бўлингиз!

АБАДИЙСАН, БОҶИЙСАН, ВАТАН!

Гоҳ узимга "кимман" дея савол бергум,
Оташдирман ё ўтдирман, ё нурман мен?!
Юртим, сени озод кўриб, кўксим кергум,
Ҳар тонг ойдаи жамолингга қонурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Кўзим очиб кўрганимсан, ҳур маконим,
Жаннатлардан ҳам зиёда, гул маконим,
Азал-абад дунёга машҳур маконим,
Қуёшдай ҳур чеҳрангдан завқ олурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Муқаддас ҳур тупроғингнинг гарди бўлиб,
Шовуллаган чинорингнинг барги бўлиб,
Жафокаш, мард элимнинг ҳамдарди бўлиб,
Ўтмишингни ўйлаб, ўйга толурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Шукроналар айтиб бахтинг, тинчинг учун,
Бир пойдевор бўлай майли синчинг учун,
Бахш айлабон сенга умрим, қалбим кучин,
Кундан-кунга кучга тўлиб борурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Гар бағрингда сарғайган бир хасни кўрсам,
Тақдирингга бепарво бир касни кўрсам,
Нон-тузингни унутган нокасни кўрсам,
Бағрим ёниб, ғазаб ичра қолурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Сени севмоқ — ҳар кун қилган савобимдир,
Тупроғингни ўпмоқ — эзгу тавофимдир,
Ёвузларга нафрат — кескин жавобимдир,
То тирикман, ёвга қирон солурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

Гоҳ бошимда қуёш бўлиб балқийдирсан,
Гоҳ кўзимда кўзёш бўлиб қалқийдирсан,
Мен кетурман, сен — абадий, боқийдирсан,
Қучоғингда бир нур бўлиб қолурман мен,
Ватан, сенинг ишқинг билан ёнурман мен!

ФАМЛАРИНГГА ШЕРИКМИЗ, БЕСЛАН ХАЛҚИ!

Юракларни тилиб ўтди бу шум хабар,
Гўё она ер ҳам ногоҳ кетди қалқиб,
Бу қандайин қабоҳатдир, ё алҳазар,
Ишонгинг ҳам келмайди-я, Худо ҳаққи,
Даҳшат ичра қотди ногоҳ, Беслан халқи!

Ҳайҳот, бундай бўлишини ким билибди,
Шодлик ўрнин бир лаҳзада ғам олибди,
Бало-қазо ногоҳ тундай ёприлибди —
Тонг қуёши турганида кўкда балқиб,
Зулмат ичра қолди, эвоҳ, Беслан халқи!

Нажот кутиб жовдираган болажонлар,
Кўз ёш тўкиб, довдираган болажонлар,
Олов ичра қовжираган болажонлар, —
Нима эди шўрликларнинг, ахир, айби,
Фамларингга шерикмиз, оҳ, Беслан халқи?!

Одаммикан гўдакларга ўқ отганлар,
Пок, беғубор тилакларга ўқ отганлар,
Манкурт каби эс-хуштини йўқотганлар,
Қаерлардан келиб қолди дайдиб, санғиб,
Одамларни этгил огоҳ, Беслан халқи?!

Хазон бўлган болаларинг ҳақ-ҳурмати,
Кўздан оққан жолаларинг ҳақ-ҳурмати,
Чеккан фарёд, нолаларинг ҳақ-ҳурмати,
Тинчлик учун мисли дарё бўлиб қалқи,
Бўлгил энди сўнмас маёқ, Беслан халқи!

Кутулолмас ёвлар дўзах азобидан,
Халқнинг ҳамда ҳақнинг қаҳру ғазабидан,
Нишон қолмас террорчи насл-насабидан,
Бутун дунёки оёққа турди қалқиб —
Фанимларга энди кун йўқ, Беслан халқи!

ДУНЁГА КЕЛДИНГУ ..

Ҳар тонг уйғонмасанг дилда ишқ билан,
Булбулга жўровоз бир қўшиқ билан,
Ёв келса, чиқмасанг қўлда тиф билан,
Дунёга келдингу келмадинг нима,
Сен инсон бўлдингу бўлмадинг нима?!

Севсангу севганинг дардин сезмасанг,
Мажнун янглиғ дашту саҳро кезмасанг,
Ёр учун бир умр қалбинг эзмасанг,
Ишқида ёндингу ёнмадинг нима,
Сен ошиқ бўлдингу бўлмадинг нима?!

Эл дарди ўтмаса юрак-бағрингдан,
Ёвлар титрамаса ғазаб-қаҳрингдан,
Юраклар ёнмаса ёзганларингдан,
Тўғёнга тўлдингу тўлмадинг нима,
Сен шоир бўлдингу бўлмадинг нима?!

Сўнги дам ортингдан фарёд қолмаса,
Эзгу бир хотира, бир от қолмаса,
Инсоний номингдан исбот қолмаса,
Дунёга келдингу келмадинг нима,
Сен одам бўлдингу бўлмадинг нима?!

ВАТАН ЎҒЛОНЛАРИ ҚЎШИҒИ

Эй она юрт, содиқ ўғлонларингмиз,
Сарҳадларда сергак посбонларингмиз,
Ёв йўлолмас метин кўрғонларингмиз,
Сақлағаймиз сени тинч-омон, Ватан,
Сенга мудом кўксимиз қалқон, Ватан!

Дилга жойлаб Темур бобом қудратин,
Жалолиддин Мангуберди шиддатин,
Давом айлаб аждодлар жасоратин,
Ёвларингни этурмиз яқсон, Ватан,
Сенга мудом кўксимиз қалқон, Ватан!

Кўзга суртиб муқаддас тупроғингни,
Асрағаймиз тоғу тош, гулбоғингни,
Зафарларга тўлдириб қучоғингни —
Айлағаймиз бағринг боғ-бўстон, Ватан,
Сенга мудом кўксимиз қалқон, Ватан!

Улуғ халқим ҳеч кимдан кам бўлмағай,
Бировларга асло қарам бўлмағай,
Ватанни севмаган одам бўлмағай,
Онам каби мунис меҳрибон, Ватан,
Сенга мудом кўксимиз қалқон, Ватан!

Меҳринг — қалбда оташ, кўзларда шарор,
Сени асрамоқликдир — бизнинг қарор,
Қучоғингда Тинчлик бўлсин барқарор,
Яшна мангу, эй доруломон Ватан!
Сенга мудом кўксимиз қалқон Ватан!

ҚАСАМЁД

Ўпиб ҳур Ватаннинг азиз байроғин,
Кўзга суртиб унинг қадим тупроғин,
Жонга яқин ҳар бир гулу япроғин,
Асрагум деб она юртим умрбод —
Қасамёд қилурман, элга қасамёд!

Эл меҳрин жо айлаб ёниқ қалбимга,
Умримни бахш айлаб улуғ халқимга,
Мангу содиқ қолиб бурчу аҳдимга,
Бўлсин дея халқим то абад озод —
Қасамёд қилурман, юртга қасамёд!

Ватан бу — биз учун номус-иймондир,
Ўқ ўтмас, муқаддас метин қўрғондир,
Юртимга бир умр кўксим қалқондир,
Бўлсин деб Ватаним мангу барҳаёт —
Қасамёд қилурман, халққа қасамёд!

Эрк учун тўкилган пок қонлар ҳаққи,
Элим деб жон берган ўғлонлар ҳаққи,
Муқаддас замини осмонлар ҳаққи,
Аждодлар руҳини этмоқликка шод —
Қасамёд қилурман, ҳаққа қасамёд!

Бузсам гар мен ушбу ўтли қасамим,
Ҳақ йўлдан адашса ногоҳ қадамим,
Юракка сиғмайин дарду аламим —
Узилсин бу жоним майли шу заҳот,
Қасамёд қилурман, қалбга қасамёд!

БОЛАЛИКНИНГ ШҲХЛИКЛАРИ

Қани менинг ялангоёқ чопган чоғларим,
Болалигим кенгликлари, гўзал боғларим?!
О, беғубор орзуларим — дил ардоғларим,
Йиллар ўтиб борган сари сизни соғиндим,
Болаликнинг шўхликлари сизни соғиндим.

Қий-чув қилиб кўпни тинчин бузганларимиз,
Анҳорларда балиқлардек сузганларимиз,
Оқшомгача кўча — кўйда кезганларимиз,
Қалбларимиз ёққан ажиб ҳисни соғиндим,
Болаликнинг шўхликлари сизни соғиндим.

О, у дамлар мисли қанду новвот эдилар,
Меҳрибоним — ота-онам ҳаёт эдилар,
“Эҳтиёт бўл, йиқилмагин, болам!” дердилар,
Болам деган, ўшал азиз сўзни соғиндим,
Болаликнинг шўхликлари сизни соғиндим.

Бу ҳаётда кўп йиқилдим, кўп бор лат едим,
Дўстман деган, душманлардан гоҳо панд едим,
Мен эзгулик йўлларида мудом банд эдим,
Гоҳ суюндим, гоҳ куюндим, гоҳо оғриндим,
Болаликнинг шўхликлари сизни соғиндим.

Орзуларнинг оғушида учар эдик маст,
Эвоҳ, энди у кунларни қайтариб бўлмас,
Фақатгина эслаш мумкин ёниб бир нафас,
Юрагимга хотирадан бир байроқ илдим,
Болаликнинг шўхликлари сизни соғиндим.

К У З

Дувиллаб тўкилар ҳазин япроқлар,
Тилларанг тус олмиш бутун дала-туз.
Гулларнинг қалбига солиб титроқлар,
Заъфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

Милтираб нур сочар кўкнинг ҳилоли —
Гўё улкан денгиз узра парча муз.
Этларни жунжитар мезон шамоли,
Заъфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

Иссиқ ўлкаларга учган турналар —
Ортдан термулиб қолурмиз маъюс.
Недандир кўнгил ғаш, юрак тирналар,
Заъфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

Кўлмақлар четида йилтираган муз,
Дер: илиқ кунлардан умидингни уз,
Баҳор, ёз шунча тез ўтдиму эсиз,
Заъфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

Бунчалар югурик экан бу ҳаёт,
Уч фаслинг ўтди-ку, эй умри азиз.
Ўзи ҳам ҳазондек сарғайиб, ҳайҳот,
Заъфарон боғларда куз кезмоқда, куз.

ҚОРЛАР ЁҒАР..

Паға-паға қорлар ёғар ризқ-рўз бўлиб,
Қор парчаси ялтирайди юлдуз бўлиб.
Тоғларда қор, боғларда қор, томларда қор,
Анҳорларда аёз ухлайди муз бўлиб.

Кўкдан гўё оппоқ унлар эланмоқда,
Дов-дарахтлар нақ қаймоққа беланмоқда,
Олам оппоқ салтанатга айланмоқда,
Гўзаллигу нафосатда тенгсиз бўлиб.

Қорнинг сеҳру сурурини қаранг, дўстлар,
Қамаштирар кўзни очдим аранг, дўстлар,
Қиш гаштини суриб, сиз ҳам яйранг, дўстлар,
Кечалар ҳам нур таратгай кундуз бўлиб.

Кўнгилларга қордек қўнар ҳаяжонлар,
Бошланди-ку, "қорхат"лару "қорбўрон"лар,
Кўча-кўйда қор ўйнашар болажонлар —
Юракларда шодликлари чексиз бўлиб.

Демангиз: қор қарғаларнинг овунчидир,
У чанқоқ дашт-далаларнинг илинжидир,
Қор бу кўкнинг ерга бўлган соғинчидир,
Ёғилгайдир шу боис жим, унсиз бўлиб.

Айланишиб бир куни шўх жилғаларга,
Жон бағишлар қорлар кўм-кўк майсаларга,
Етажакмиз қуёш кулган лаҳзаларга —
Олам яна фасли баҳор, Наврўз бўлиб.

ЭЗГУЛИКЛАР САЛТАНАТИ

Эски йилни кузатмоқлик онлари етди,
Арчаларни безатмоқлик онлари етди,
Янги йил ҳам келмоқда деб қалблар энтикди,
Қучоқ очиб келмоқдадир қутлуғ янги йил!
Зарлар сочиб келмоқдадир улуғ янги йил!

Оппоқ қорлар ёғиб, олам покликка тўлди,
Ойдинликка ошно диллар шодликка тўлди,
Оқшомлар ҳам тонглар каби мунаввар бўлди,
Қиш эртагин сўйлаб келар, гўзал янги йил,
Бахт қўшигин куйлаб келар, гўзал янги йил,

Янграгайдир янги йилда янги тилаклар,
Янги кучу ғайратларга тўлгай билаклар,
Улуғ ишлар ишқи билан ёнгай юраклар,
Йўлимизга маёқ бўлгай, азиз янги йил,
Зафарларга гувоҳ бўлгай, азиз янги йил!

Қорбоболар совғасидан ризқ-рўз тўлишгай,
Қорқизларнинг кулгусидан олам ёришгай,
Бир-бирига интиқ диллар дийдор кўришгай,
Қадаҳларнинг жарангида янграр янги йил,
Куй-қўшиқлар оҳангида янграр янги йил!

Азиз элим, ният қилинг, олам тинч бўлсин,
Олам аҳлин айвонида бахт-севинч бўлсин,
Ҳар кўнгилда янги йилдан бир илинж бўлсин,
Орзуларни ушалтиргил улуғ янги йил,
Кенг оламга бахт келтиргил қутлуғ янги йил!

АЁЗ, ҲАЛИ КАМИНГ БОРМИДИ? (Ҳазил)

Аёз ҳали каминг бормиди,
Ҳали ташвиш, ғаминг бормиди?
Апрелда ҳам ҳеч бўш келмайсан,
Қиличдайин даминг бормиди?

Кўкда булут — илҳомчиларинг,
Ҳеч тинчимас ҳўл қамчиларинг,
Эт жунжитар муз томчиларинг,
Шунча ёмғир, наминг бормиди?

Бодом гуллаб, қолди доғларда,
Ўрик йиғлар ҳўл чорбоғларда,
Гуллаб ётган чаман боғларда
Ё қасду аламинг бормиди?

Ҳар нарсада бор ахир, меъёр,
Не бор сенга кўкламда, эй қор?!
Сен қайларга беркиндинг, баҳор,
Шунча нозик таъбинг бормиди?

Ахир, кўзлар нурни соғинди,
Рутубатдан диллар оғринди,
Эй табиат, қани ёқ энди —
Шамс аталмиш шаминг бормиди?

Бу йил-ку қор мўл бўлди, алҳол,
Қишжон, майли энди қайта қол!
Инсоф билан ўзинг айта қол,
Аёз, ахир, каминг қолдими?

КУЛИБ КЕЛ, НАВРЎЗ!

Яна ялпиз ҳидин олиб эсди саболар,
Димоқларни ёргудайин хушбўй ҳаволар,
Яна қадим қўшиқларин айтди момолар,
Кел ўлкамга, гулдай чирой очиб кел, Наврўз!

Қутлуғ бўлсин куртак ёзган шўх оғочларинг,
Мажнунтоллар — сочин ёйган чилвирсочларинг,
Бахт қўшиғин куйлаб учгай қалдирғочларинг,
Қувончларга тўлиб яна тошиб кел, Наврўз!

Сахро кезиб, мададкор бўл сен чўпонларга,
Қут-барака уруғин бер мард деҳқонларга,

Жон бағишлаб дала-дашту боғ-бўстонларга,
Дарёлару тоғу тошлар ошиб кел, Наврўз!

Юртим дея, ўтганларнинг бориб бошига —
Таъзим этгил садоқату чин бардошига,
Оби найсонлар ёғдириб қабртошига —
Қизғалдоғу чечакларинг сочиб кел, Наврўз!

Қизларжоннинг чаккасига гуллар тақиб кел,
Йигитларнинг юрагига ўтлар ёқиб кел,
Меҳру мурувватда қуёш каби балқиб кел,
Кенг дунёга бахт ва шодлик олиб кел, Наврўз!

Гулларинг соч Туронзамин этакларига,
Ёруғ йўл оч юртнинг орзу — тилакларига,
Меҳнаткашу мард элимнинг юракларига —
Янги ғайрат, шижоатлар солиб кел, Наврўз!

Боқий бўлсин ҳур Истиқлол — бу доруломон,
Юртда тинчлик мангу бўлсин, дўстлар соғ-омон,
Она Ватан бағрин нурга тўлдириб мудом —
Айёмларга ўзинг бош-қош бўлиб кел, Наврўз!
Бошимизга қуёш янглиғ кулиб кел, Наврўз!

ҚАЛДИРҒОЧ

Айвонимда вижирлаб, кўшиқлар айтган қушим,
Кузда кетиб, кўкламда ҳовлимга қайтган қушим,
Бошим узра чарх уриб, парвозлар этган қушим,
Қайларга кетиб қолдинг, қаламқош қалдирғочим,
Қалбимга алам солдинг, бағритош қалдирғочим?!

Сен баҳорни боғимга бошлаб келардинг ҳар гал,
Сирли-сирли эртақлар сўйлаб берардинг ҳар гал,
Арзим тинглаб, дардимга сирдош бўлардинг ҳар гал,
Айт, бугун қайда қолдинг, эй сирдош қалдирғочим,
Қай пинҳон жойда қолдинг, о, ювош қалдирғочим?!

Оч мушуклар кўнглингга ёки қўрқув солдими,
Ё инингга илонлар ўрмалашиб қолдими,
Менга бўлган ишончинг ё буткул йўқолдими,
Ё отдими бир нодон сенга тош, қалдирғочим,
Изларман бугун нолон, кўзда ёш, қалдирғочим.

Қалдирғоч қаро дерлар, қаноти ало дерлар,
Ёшлиқда берган кўнгил айрилмас бало дерлар,
Ишқ-муҳаббат дардини — тузалмас яро дерлар,
Ҳижронларда қолдирма, қаросоч қалдирғочим,
Кўзларимни толдирма, бағритош қалдирғочим.

Қайтгил, сени қалбимнинг гулбоғида асрайин,
Эрка қушим, кўзимнинг қароғида асрайин,
Жисмим била жонимнинг ардоғида асрайин,
Келиб дардинг айтақол, кўнглинг оч, қалдирғочим,
Кел, ёнимга қайтақол, топ илож, қалдирғочим!

СОҒИНЧ ДАРВОЗАСИ

Қизилқум қўйнидан ёр саси келди,
Она Бухоромнинг нафаси келди,
Кўқдан тўлин ойнинг шуъласи келди,
У сенингму илҳақ кўзинг, Бухором,
Соғинч дарвозаси — ўзинг, Бухором!

Олисдан кўрингай минораларинг,
"Моҳи хоса" каби ситораларинг,
Нақшинкор тоғларинг — дилпораларинг,
Сомон йўли — сенинг изинг, Бухором,
Олам остонаси — ўзинг, Бухором!

Минораи Калон — олам меҳвари,
Тарих хазинасин ноёб гавҳари,
Талпиниб яшайди мудом кўк сари,
У мозийдан айтар сўзинг, Бухором,
Куюшдай ёруғдир юзинг, Бухором!

Тупроқларинг чангин кўзимга суртай,
Гумбазларинг гардин киприк-ла артай,
Сени соғинганим оҳ, кимга айтай,
Учарму сенинг ҳам кўзинг, Бухором,
Қалбим андозаси — ўзинг, Бухором!

Боболарим ётар мозорларингда,
Озорларим бордир озорларингда,
Гул ўстирар халқим гулзорларингда,
Гарчи кўпдир ерда тузинг, Бухором,
Тин билмас баҳор ёз-кузинг Бухором!

Турарсан онамдек йўлга кўз тикиб,
Мен учун гоҳ ипак, гоҳо бўз тикиб,
Соғиниб борурман ҳар гал энтикиб,
Ўргилайин сендан ўзим Бухором!
Дилимдаги соғинч сўзим — Бухором.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТСИЗ

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"
газетасига

Яшамоқлик жоҳилликдир —
Адабиёт ва санъатсиз.
Инсон умри гофилликдир —
Адабиёт ва санъатсиз,
Адабиёт ва санъатсиз.

Эй, сен талон-тарож Дунё,
Атомларингдан қоч, Дунё,
Кўзларингни кенг оч, Дунё!
Тараққиёт қотилликдир —
Адабиёт ва санъатсиз.

Навоийни билмаса дил,
Куй тинглаб, завқ олмаса дил,
Ишқ деб бағрин тилмаса дил,
Юраклар шамдай сўникдир —
Адабиёт ва санъатсиз.

Асрларким, бани башар,
Эзгулик деб, ишқ деб яшар,
Оламга завқ-шавқ ярашар,
Инсон туйғуси ўликдир —
Адабиёт ва санъатсиз.

Санъат эрур энг пок ният,
Адабиёт — Абадият,
Гувоҳдир она табиат,
Ҳаёт, ҳаётмас қуликдир —
Адабиёт ва санъатсиз.

МУҲАММАД ЮСУФ

Охулару жайронларга оға тутинган,
Юкинса ҳам фақат элу юртга юкинган,
Сайёдлардан қоча-қоча, охир, тутилган —
Ярадор бир кийик экан Муҳаммад Юсуф.

Шеърлар битиб дарди-дили денгиз этди у,
Неча-неча ҳофизларни юлдуз этди у,
Ишқни куйлай-куйлай, охир куйиб кетди у,
Бунча бағри куйик экан Муҳаммад Юсуф.

Қисқа экан умри мисли лолақизғалдоқ,
У кетдию, бутун бир халқ чекиб қолди оқ,
Ҳамон ўчмас юраклардан бу аламли доғ,
Элга шунча суюк экан Муҳаммад Юсуф.

Ногоҳ осмон титраб, ғамдан энкайиб қолди,
Шеъриятнинг юраги ҳам мунғайиб қолди,
У эса жим, жаннатларга аста йўл олди,
Шунча содда, буюк экан Муҳаммад Юсуф.

Уни ўлган дейишдан дил безиб турадир,
Қўшиқлари юракларни эзиб турадир,
Алёр бўлиб у юрт ичра кезиб юрадир,
Демак, мангу тирик экан Муҳаммад Юсуф.

УМР ҚАДРИ

Аросатда қолмай, эй аҳли одам,
Дунёнинг Фарб ила Шарқини билинг.
Олам сирларини билмасангиз ҳам,
Инсоннинг жонзотдан фарқини билинг!

Ой билан офтобсиз осмон осмонму,
Гул билан райҳонсиз бўстон бўстонму,
Ақли ҳуш, одобсиз инсон инсонму?
Кўнглингиз садосин шарқини билинг!

Мақр маъвосининг мақтовлари кўп,
Умр бозорининг чайқовлари кўп,
Сароб саҳросининг алдовлари кўп,
Нафс дарёсининг фарқини билинг!

Умр ғаниматдир, ғафлат эса — дор,
Бедор бўлингиз дер, Зикрилло бедор,
Бемақсад ўтмангиз дунёдан, зинҳор,
Баҳтингиз манзилин тарқини билинг!
Умри азизингиз қадрини билинг!

КЎНГИЛ ҚОЛМАСИН

Қўл ё оёқ синса тузалгай бир кун,
Дарз кетган белни ҳам даволаш мумкин.
Меҳр кўзгусига дарз кетиб, лекин,
Беғубор дилларга ҳеч гард қўнмасин,
Кўнгили совумасин, кўнгили қолмасин.

Дийдорнинг ғанимат эканин англанг,
Дўсту ёрлар изин тўтиё айланг,
Кўзнинг қаросидай асраб-авайланг,
Қалблардаги меҳр ўти сўнмасин,
Кўнгили совумасин, кўнгили қолмасин.

Ақлнинг ўрнини жаҳл олса гоҳ,
Вужудингиз ғазаб ичра қолса гоҳ,
Қабоҳат лашкари қутқу солса гоҳ,
Адолат лашкари доғда қолмасин,
Кўнгили совумасин, кўнгили қолмасин.

20 06

12 119

Alisher Navoiy
nomidagi
zbekiston MK

Кимнингдир сўзлари синса-да, синсин,
Айрилиқ музлари синса-да, синсин,
Кўзмунчоқ кўзлари синса-да, синсин,
Аммо қалб дарз кетиб, ҳеч ўксинмасин,
Кўнгил совумасин, кўнгил қолмасин.

ИЗЛАМАНГ

Мен ҳамиша заминдаман, эл билан,
Осмондаги ойдан мени изламанг.

Гоҳ тоғу тош, гоҳо баланд қирдаман,
Тубанлик бор жойдан мени изламанг.

Отсам, ўзни отгум тошқин дарёга,
Кўлмакланган сойдан мени изламанг.

Кўнглим гулдир, ифор сочар дунёга,
Бадбўй, балчиқ лойдан мени изламанг.

Номардлар аҳлига меҳмон бўлмасман,
Шамма келса, чойдан мени изламанг.

Зикриллони изланг вафо боғидан,
Садоқат йўқ жойдан мени изламанг.

СУВГА ЗОР БЎЛМАГАН

Сувга зор бўлмаган зинҳор билмайди
Олдидан оққувчи сувнинг қадрини.
Ҳид билмас кимсалар ҳидлай олмайди
Дунёда энг хушбўй гулнинг атрини.

Элим деб, эл учун ёнганлар айтсин,
Юртим деб, жонидан кечганлар айтсин,
Қалбида дарди йўқ каслар не билсин,
Халқнинг юрагида ётган дардини.

Ҳақ сўз яхши, гарчи юракка ботар,
Ёлғон сўз азобин бутун эл тортар,
Номард бойлик учун ўз юртин сотар,
Мард бермас тупроғин ҳатто гардини.

Игна билан қудуқ қазмаса шоир,
Жаҳолатнинг инин бузмаса шоир,
Юрак қони билан ёзмаса шоир,
Ким ҳам ўқир унинг ёзган сатрини!

Не тонг, бутун илҳомим тўлиб-тошди,
Тун ярмида кўзимдан уйқу қочди,
Дўстлар, сизга Зикрилло қалбин очди,
Унутманг деб инсонийлик шартини.

МАЖНУНТОЛ

Келинчақдай маъюсгина бош эгиб,
Баҳор келса, севинчлардан ёш тўкиб,
Еллар сочин тортқиласа ноз этиб,
Сой бўйида сокин турган мажнунтол,
Юрагимни соғинтирган мажнунтол.

Бошинг узра қалдирғочлар рақс этар,
Оёғингни сувлар ўпиб, мавж этар,
Баргларингда болалигим акс этар,
Неларнидир хаёл сурган мажнунтол,
Юрагимни соғинтирган мажнунтол.

Кўмсаб келдим бутун олис шаҳардан,
Жамолингни кўрай деб тонг-саҳардан,
Сенга минг йил умр тилай баҳордан,
Сувлар билан суҳбат қурган мажнунтол,
Юрагимни соғинтирган мажнунтол.

ФАФЛАТ УЙҚУСИДАН..

Дўстим, мол-дунёга ҳаваслардан кеч,
Тутгил шукрона-ю, тоқат йўлларин.
Шунда тинч-ороминг бузилмагай ҳеч,
Осуда кечгайдир куну тунларинг.

Ўткинчи рўёдир — зару тиллолар,
Аждардек ҳар томон чўзар тилларин.
Шу боис, сен ундан айлабон ҳазар,
Севгил табиатнинг сўлим гулларин.

Уйинг тинч, ўзинг соғ, демак сен — ғолиб,
Енгарсан ҳаётнинг довул, дўлларин.
Ўткинчи дунёда ҳою ҳавас деб,
Ранжитма дўстларнинг нозик дилларин.

Бойликсиз бу ҳаёт мисли қафас деб,
Нафс ўпқонига бурма йўлларинг.
Унутмагил, ярим дунёни олиб,
Искандарнинг очиқ кетган қўлларин.

Билки, ғаниматдир бу кўҳна дунё,
Фафлат уйқусидан очгил кўзларинг.
Бир кун пушаймонда чекмай десанг оҳ,
Меҳру оқибатнинг йўлин кўзлагил!

ЗАМИНДАН ОЁҚ УЗМА

Заминдан оёгинг узмагил, дўстим,
Дур излаб самонинг юлдузларидан.

Ўзлигинг излагил, толеинг қидир —
Шажара дарахтинг илдизларидан.

Она юрт қадрини огоҳлардан сўр,
Ватангадоларнинг афсусларидан.

Меҳру мурувватда ибрат ол, мудом,
Халқимнинг хокисор Наврӯзларидан.

Унутма, бир умр узилмас қарзинг,
Отаю онангининг нон-тузларидан.

Учмагил ўзга юрт кимхобларига,
Воз кечиб ўз юртинг чит, бўзларидан.

Дилга малол олиб, ранжима, эй дўст,
Зикрилла Неъматнинг ҳақ сўзларидан.

ТАЪЗИМДАДИР СИЗГА ЗАМИНУ ЗАМОН

Посбон аёлларга

Баҳор чоғи гул-чечакка айланиб,
Белни боғлаб, юрт ишига шайланиб,
Елкасида юлдузлари товланиб,
Элга посбон бўлиб келган аёллар!

Ҳар бирингиз мисоли бир фаришта,
Оилада саранжому саришта,
Эр йигитдан қолишмасиз ҳар ишда,
Марду майдон бўлиб келган аёллар!

Мардлик сизга Тўмарисдан меросдир,
Лайли, Ширин вафоси сизга хосдир,
Кумушойлар ибоси сизга хосдир,
Гўзал жонон бўлиб келган аёллар!

Сиз гўзалсиз, ўшал Момо ҳавосиз,
Сиз асалсиз, ишқ дардига давосиз,
Сиз ғазалсиз, мангу сўнмас навосиз,
Шеърду дoston бўлиб келган аёллар!

Қай бирингиз гарчи ёрдан жудосиз,
Аммо унинг ёди-ла жон фидосиз,

Садоқату бардошда бебаҳосиз,
Доғи ҳижрон бўлиб келган аёллар.

Сиз борсизки, ҳаётимиз чароғон,
Сиз борсизки, гулга тўлғай бу жаҳон,
Таъзимдадир сизга замин у замон,
Жон ичра жон бўлиб келган аёллар!

Шиор айлаб дилда ишқу вафони,
Хусни бир-ла лол этиб кенг дунёни,
Меҳру муҳаббатнинг гўзал ошёни —
Ўзбекистон бўлиб келган аёллар!

САБРЛИ БЎЛ...

Сабрли бўл дўстим, агар бировлар
Нону насибангни туя қилсалар,

Булбулни зор кутган гўзал боғингда
Зоғу зағизғонлар уя қурсалар.

Бахтинг кўролмаган кўнгли қаролар,
Ҳасад ичра куя-куя юрсалар.

Роҳатлангай улар сени камситиб,
Пок шаънинга қозон куя сурсалар.

Табиат бағрига чиқ, кўнглингни ёз,
Аламлар бағрингни ўяверсалар!

Лек, шунда ҳам ором топмас ҳисларинг,
Табиат дардларин туя олсалар.

Ҳайрондирсан, ахир, кўм-кўк водийлар,
Чўл бўлмасму пайҳон қилаверсалар?

Айтинг, қуш зотига келмасму қирон,
Ҳар қадамда тузоқ қўяверсалар?!

Бедана, каклигу хушхон булбулни
Шўрва, кабоб учун сўяверсалар.

Оқибат қоларму, ахир, инсонлар
Меҳрга қўл силтаб қўяверсалар?

Молу дунё учун оға-инилар
Бир-бирларин кўзин ўяверсалар.

О, одамзот кўзи қачон тўяркан,
Туя қани дейди, бия берсалар?!

Кўрдим демай барин ямлаб қўяркан,
Яна борми дейди, туя берсалар.

Бу не ҳол деб, ёниб-қуярсан, қалбим,
Вужудингга тушар чексиз ларзалар.

Сен уларни диёнатга чорлагил,
Ҳаттоки бошингга қилич қўйсалар.

Умидвор бўл, бу умидли дунёда,
Қор остида унгай бир кун майсалар.

МАРДУ МАЙДОНЛАР ЮРТИ

Мағрур қадам ташланг, дўстлар,
Марду майдонлар юрти бу!
Истиқлол нуридан яшнар —
Боғу бўстонлар юрти бу !

Широқ бўлиб аҳд айлаган,
Фанимларни мавҳ айлаган,
Кенг оламни забт айлаган —
Соҳибқиронлар юрти бу!

Алпомишдек алп қоматли,
Жалолиддиндек шиддатли,
Бобур Мирзодек журъатли,
Улуғ султонлар юрти бу.

Мир Алишер навосидек,
Ибн Сино давосидек,
Улуғбекнинг самосидек —
Илму урфонлар юрти бу.

Ўз туғи, ўз туғроси бор,
Туғида Ой-Зухроси бор,
Ўз тили, ўз навоси бор —
Бахтли инсонлар юрти бу!

Эл содиқ ўз сарбонига,
Толе ёр ҳар ўғлонига,
Ёв йўлолмас қўрғонига,
Кўкси қалқонлар юрти бу!

ЯХШИ ОТНИНГ ҚИСМАТИ

Замонавий эртак

Яхши отга бир қамчи,
Ёмон отга минг қамчи.
Минг қамчи урсанг, қонлар
Томмасми томчи-томчи?!

Яхши отга бир қамчи,
Ёмонига минг қамчи.
Ёмон от яхши бўлар —
Деган сўзлар алдамчи.

Яхши отга қамчининг
Йўқдир зинҳор ҳожати.
Бир "чух" десанг еру кўк —
Аро елдек учади.

Ёмон отга-чи, ҳатто
Кам эрур минг қамчи ҳам.
Йўлга сололмас уни
Минг қарич арғамчи ҳам.

Яхши отга яхши деб,
Тиним бермайдилар ҳеч.
Ёмон от-чи, емин еб,
Ётаверар эрта-кеч.

Сафарларда яхши от
Содиқ ҳамроҳ бўлгайдир.
Овга чиқилса ҳар вақт
Хавфдан огоҳ бўлгайдир.

Пойгаю кўпқарида
Яхши от балогардон.
Ёмон от-чи, яйловда
Ўтлаб юрар беармон.

Ҳўпу чала ҳўпга ҳам
Яхши отни тортарлар.
Энг зил-замбил юкни ҳам
У шўрликка ортарлар.

Ҳатто жувоз қўшишга
Яхши от яраб қолар.
Ёмон от эса кишнаб,
"Тиржайиб" қараб қолар.

Чопа-чопа яхши от
Озиб кетгайдир чўпдек.
Ёмон от эса, ҳайҳот,
Семириб борар тўпдек.

Баъзида от эгасин
Йўқлаб келар дўстлари.
Уларнинг ҳам отларга
Ишқибоздир кўплари.

Улар гоҳо қизигиб
Отхонани ўрашар.
"Энг зўр отинг қайси?" деб,
Чавандоздан сўрашар.

Чавандоз ориқ отин
Кўрсатишга ор этар.
Энг зўр отим шу дея,
Семиз отин кўрсатар.

Хаёт қизик-да, дўстлар,
Қаранг бу "илтифот"ни.
Биров ишлаб, бошқалар —
Олар гоҳ мукофотни!

ТУЮҚЛАР

* * *

Эшигимнинг устига қўйгил десам, меъморга тоқ,
Хўп, — дедию, қўймайин, тоқатларимни этди тоқ.
Токи, тоқим битмаса, келмас эмиш жонона ҳам,
Не қилай энди жаҳондан ўтаманму якка, тоқ!.

* * *

Бир тегирмондир ҳаёт, буғдой солиб, ун тортадур,
Роҳатин кимлар кўриб, кимлар азобин тортадур.
Зоти паст нокасга минг меҳру мурувват кўрсатинг,
Қаригайдир, қартадир, аслига бир кун тортадир.

* * *

Ногоҳон самода чақнайди чақмоқ,
Осонмас бу сирнинг мағзини чақмоқ.
Ялт этиб отилар гўё ўқилон
Қўтослар подасин бўлгандек чақмоқ.

* * *

Ўрганур машшоқ қўлида мунгли тор,
Кенгга кенг дунё экан бу, торга — тор.
Баъзиларга арзи дил айлай десанг,
Сабр айлаб тинглай олмас, кўнгли тор.

* * *

Таъмирламай кетмиш бу томни томчи,
Ҳар ёмғирда чак-чак ўтмоқда томчи
Туйнугин топдимү тунука босдим,
Қани, эй ёмғиржон, энди бир том-чи!

* * *

ТҮРТЛИКЛАР

* * * *

Бировлар мол-дунё йиғгайдир тинмай,
Гүёким, минг аср яшайдигандай.
Мезон ҳам борлигин унутиб қамиш —
Попугин кўз-кўзлаб шовуллагандай.

* * * *

Инсонга ярашмас кўйдек семирмоқ,
Бировлар ҳақини қуртдек кемирмоқ.
Мавҳи таназулдир — нафсга қуллик
Ва азиз умрни зангда емирмоқ.

* * * *

Дўст ачитиб айтар, душман кулдириб,
Ҳақиқатдан, асло, бўлмас юз буриб.
Илдизи буг дарахт, минг чопсалар ҳам,
Қайта ўсаверар, яшнаб, барқ уриб.

* * * *

Ташбеҳларга тўла бу дунё,
Фақат уни топа олмоқ шарт.
Ташбеҳ оддий либосдир, аммо,
Ўралмаса унга гўзал — дард.

СЕН БИРЛА ЯШНАСИН ОЧУН, МУҲАББАТ

КИМ ТИНГЛАГАЙ

Ҳижрон тиғи юрагимни тилиб ўтди,
Соғинч яна бағримни қон қилиб кетди,
Сарвинозим қиё боқмай кулиб ўтди,
Ким тинглагай, дардимни ёр тингламаса,
Ким англагай, қалбимни ёр англамаса?!

Ёр висоли қийнар мени армон бўлиб,
Юрагимда ғамлар ётар карвон бўлиб,
Дил ўртанур яраланган жайрон бўлиб,
Ким тинглагай, дардимни ёр тингламаса,
Ким англагай, қалбимни ёр англамаса?!

Неча йилки, булбул каби бўлиб нолон,
Ул санамнинг йўлларига кўз нигорон,
Ҳолим кўриб ҳайрон боқар дўсту ёрон,
Ким тинглагай, дардимни ёр тингламаса,
Ким англагай, қалбимни ёр англамаса?!

Юлдуз эмас, ул кўкдаги — кўз ёшларим,
Тоғлар эмас, чўкиб ётган — бардошларим,
Жимдир бугун ер-кўк аро сирдошларим,
Ким тинглагай, дардимни ёр тингламаса,
Ким англагай, қалбимни ёр англамаса?!

Умидим бор, бир кун аҳдга вафо айлаб,
Ёрим келар дардларимга даво айлаб,
Зикрилло куйладим ишқим наво айлаб,
Ким тинглагай, дардимни ёр тингламаса,
Ким англагай, қалбимни ёр англамаса?!

АЙРИЛИҚ ДАРДИ

Кўк юзини қаро булутлар тутди,
Ою юлдузларни юҳодай ютди,
Ҳижрон азоблари жонимдан ўтди,
Наҳот, ой юзлигим бизни унутди,
Йиғлаган осмонму ё менинг қалбим,
Кўтармоқ осонму айрилиқ дардин?!

Наҳот гумонларнинг ошиғи олчи,
Қалбимни оғулар — армонли томчи,
Умр ўткинчидир, йиллар алдамчи,
Васлига тўймадим бир бора ёлчиб,
Йиғлаган осмонму ё менинг қалбим,
Кўтармоқ осонму айрилиқ дардин?!

Юрагимда унган Сабр дарахти —
Парчалаб отгайдир айрилиқ дардин.
Кел ёрим, қувончим, баҳорим, бахтим,
Кетсин кўзларимдан аламлар гарди.
Йиғлаган осмонму ё менинг қалбим,
Енгмоқлик осонму айрилиқ дардин?!

АРМОНЛИ МУҲАББАТ

Эсингдами эркам, ёшлик чоғлари —
Қалбга оташ солган ўтли муҳаббат?
Беғубор орзулар, висол онлари —
Умидлар бахш этган тотли муҳаббат.

Аммо, кимлар сабаб, нелардир сабаб,
Армонга айланди ўшал орзулар.
Кўнгилни қиймалаб, юракни қийнаб,
Хазонга айланди гўзал туйғулар.

Эвоҳ, асролмадик илк севгимизни,
Энди пушаймонлар бўлурмиз, жоним.
Баҳордан сўнг ёзмас, қаршилаб кузни—
Ҳижронда сарғайиб — сўлурмиз, жоним.

Оҳ, менинг севгилим, жондан севганим,
Энди сени қўмсаб, унсиз йиғлайман.
Сенсиз аламларда ёнса-да таним,
Мен сенга Оллоҳдан бахтлар тилайман!

Энди мен бир умр асраб бу дардни,
Тонглар бўзтўрғайдек бўзлаб ўтарман.
Оҳ диллар, асранг деб илк муҳаббатни,
Армонли севгимиз куйлаб ўтарман.

ҚАЙДАСАН, ЧИН МУҲАББАТ

Диллар капалакка дўниб борурлар,
Гуллардан гулларга қўниб борурлар,
Вафо юлдузлари сўниб борурлар,
Сен бугун қайдасан, о, чин муҳаббат,
Сенсиз бўзлагайдир очун, муҳаббат?

Мажнунлар саҳрода қолиб кетдим,
Фарҳодлар аҳдидан тониб кетдим,
Тоҳирлар сувларга оқиб кетдим,
Сен бугун қайдасан о, чин муҳаббат,
Осмонин тарк этган лочин — муҳаббат?

Аҳдига вафоли Лайлолар қани,
Кумушдай иболи зеболар қани,
Анварни ром этган Раънолар қани,
Сен бугун қайдасан о, чин муҳаббат,
Бизни тарк айладинг нечун, муҳаббат?!

Наҳот, пулга сотар гулшанин булбул,
Наҳот, кўз-кўз қилар ўз танини гул,
Диллар ҳой-ҳавасга, эҳтиросга қул,
Айт, ўзинг қайдасан о, чин муҳаббат,
Кўрсат садоқатинг кучин, муҳаббат!

Сени излаб, кўзларим тиниб кетди,
Изтиробдан қалбим оғриниб кетди,
Чин ошиқлар сени соғиниб кетди,
Кел, энди қайтақол, о, чин муҳаббат,
Сен бирла яшнасин очун, муҳаббат!

АЙТИШУВЛАР

ЧАМАНДАГИ УЧРАШУВ

(Дуэт)

- Йигит: Гулзор аро кезган, санам,
Гулмисан ё райҳонмисан?
Шўхликларинг жоним олар,
Ё нозли бир жайронмисан?
- Қиз: Балки гул ё райҳондирман,
Ё нозли бир жайрондирман,
Сизга нима, эй шўх йигит,
Кимсиз ўзи, ҳайрондирман?
- Йигит: Севиб қолдим сени, эркам,
Сўзларимни малол олма!
Ёниб турган юрагимга
Яна бунча олов солма!
- Қиз: Севганмишлар, вой, мен ўлай,
Йўлимга кўп тузоқ қўйманг!
Бошгинамни кўп қотирмай,
Боринг, йўлингиздан қолманг!
- Йигит: Севганим чин, ишон жоним,
Висолингга кўз тутганман.
Неча ойки, шу гулзордан
Ўтишингни зор кутганман.
- Қиз : Боқсам, қарорингиз қатъий,
Бироқ аввал ўйлаб кўрай.
Муҳаббат бу — кўнгил иши,
Юрагимдан сўраб кўрай.
- Йигит: Мунча нозу фироқ нечун,
Дардимни англа, эй жонон?!
Керак бўлса, васлинг учун,
Жонимни айлайин қурбон.

- Қиз : Қурбон айлаб не қиласиз,
 Менга соғ жонингиз керак.
 Дунёда ҳар недан азиз —
 Аҳду паймонингиз керак.
- Йигит: Бир умрлик вафодоринг —
 Бўлурман мен ишон, жоним!
 Санинг ишқингда ёндим ман,
 Санам ишқимда ён, жоним!
- Қиз: Бир умрлик вафодорим —
 Бўлсангиз ёр, ишонгайман.
 Менинг ишқимда ёнсангиз —
 Манам ишқ ичра ёнгайман!

ОЛАМ ТҮЛСИН ЗИЁГА

(Дуэт)

- Йигит: Ақлим олган дилдорим,
 Ширинмисан, Лайлими?
 Қулоғингга, жоним,
 Бир гап айтсам майлими?
- Қиз: Ҳой шўх йигит, гап отиб,
 Турманг биров кўрмасин.
 Ё дадам сезиб қолиб,
 Таъзирингиз бермасин.
- Йигит: Даданг менга устоздир,
 Ахир оқ йўл тилаган.
 Бахтли бўлгил ўғлим деб,
 Билсанг, бошим силаган.
- Қиз: Чақирсам-чи аямни,
 Ортга боқмай қочарсиз.
 Тавбангизга таяниб,
 Севгидан ҳам кечарсиз.

- Йигит: Аяжонинг, эй дилдор,
Аям билан дугона.
Қизингизни у зинҳор,
Қилманг деган, бегона.
- Қиз: Ошманг кўп ҳаддингиздан
Акам бордир, биларсиз.
Келса гар ҳолингизга —
Маймун йиғлаб қоларсиз.
- Йигит: Жонгинам, ўшал аканг —
Билсанг, менга дўст бўлар.
Икки дўстни қайраган,
Эл аро гап-сўз бўлар.
- Қиз: Кўнглин олиб ҳамманинг,
Бошлабсиз-да сўнг "ҳужум?"
Жавоб берасиз ҳали,
Бу қилмишингиз учун!
- Йигит: Баски, ҳижрон шаробин,
Эркам, энди ичмасман.
Ўлсам — ўларман, лекин,
Сендан асло кечмасман!
- Қиз: Қўйинг ўлдим-куйдимни,
Синаб кўрдим мен сизни.
Севгингиз чин бўлса гар,
Юборинг совчингизни!
- Йигит: Оҳ, ўргилай тилингдан,
Бор экансан-ку, жоним.
Висолингта етишсам,
Қолмас дилда армоним.
- Иккиси: Қанот боғлаб севгидан,
Ёр, учайлик самога.
Муқаддас бу туйғудан
Олам тўлсин зиёга!

ҒАЗАЛЛАР

ЎЗБЕГИМ ҒУЗАЛЛАРИ

Ўзбегимнинг ғузалларин нозу ибоси ғузал,
Нозу ибо бирла яна шарму ҳаёси ғузал.

Юзларининг нақш олма-ю, кўзларин шаҳлолиги,
Сочларининг сунбуллиги, қошин қароси ғузал.

Атлас кийиб чиқса оҳ-оҳ, бу дунёга ўт кетар,
Хонатласу ипақларин ял-ял жилоси ғузал.

Ишқ бобида ҳар бири Лайли ила Ширинга тенг,
Ўз ёрига садоқату аҳдга вафоси ғузал.

Назокатда Кумушойу Раънолардан дарс олиб,
Халқимга хос одоби-ю, нозик адоси ғузал.

Гоҳ меҳрибон волида-ю, гоҳ азиз опа-сингил,
Гоҳ ёрижон бўлиб дилга сочган зиёси ғузал.

Ой чеҳрали олима-ю, гул чеҳрали шоиралар,
Ҳофизаси чертган сознинг сирли садоси ғузал.

Давра узра чарх уриб, рақс айласа раққосаси,
Наволардан қанот боғлаб учган самоси ғузал.

Бири моҳир тикувчидир, бири илғор пахтакор,
Барчасининг кўнглидек оқ дил муддаоси ғузал.

Муҳаббат дейму Малоҳат, Гулсанамми, Гулчирой,
Ўзбегим гулшанларин бор Гули, Раъноси ғузал.

Санамларга Самарқанду Бухорони бахш этиб,
Бўлган эрди Шерозийнинг назму навоси ғузал.

Зикрилло ҳам шайдо бўлиб, ғузалларни мадҳ этар,
Ғузаллар борки, шоирнинг икки дунёси ғузал.

ЯРАЛГАЙ

Тонгда қуёш кулгай, зиё яралгай,
Боғлар аро савти сабо яралгай.

Савту саболарга қўксимни очсам,
Кўнглимда бир ажиб садо яралгай.

Ажиб садоларга қулоғим тутсам,
Кўз олдимда гўзал маъво яралгай.

Гўзал маъволарда сайр айласам мен,
Тилимда бир дилбар наво яралгай.

Дилбар наволарим ёрга бағишлаб,
Дилимда ишқ ила вафо яралгай.

Меҳру вафоларга садқа бўлай мен,
Меҳру вафолардан дунё яралгай.

Меҳру оқибатни асрайлик, дўстлар,
Ирмоқлар қўшилиб дарё яралгай.

Муҳаббат куйчиси бу Зикриллонинг —
Юрагидан меҳригиё яралгай.

КЎНГЛИМДАДУР

Субҳидамнинг сабосига қўксим очдим,
Субҳидамнинг саболари кўнглимдадур.

Муҳаббатнинг дарёсига ўзни отдим,
Ишқ дарёсин жилолари кўнглимдадур.

Мен ёримни гулим дебон тавоф этдим,
Гулимнинг ноз-иболари кўнглимдадур.

Ишқ боғида булбул бўлиб наво этдим,
Муҳаббатнинг наволари кўнглимдадур.

Нозлар қилиб ҳижронида куйдирса ҳам,
Ёрнинг жабру жафолари кўнглимдадур.

Ошиқ бўлиб Зикрилло куй-ғазал битдим,
Ғазал мулкин имлолари кўнглимдадур.

Бир умр мен ишқ-вафони куйлаб ўтгум,
Садоқатнинг дунёлари кўнглимдадур.

МАСТОНА-МАСТОНА

Мени тарк айлама асло,
 ғўзал жанона-жанона,
Жамолинга ўзим танҳо
 бўлай парвона-парвона.

Кел, эй сен кўзлари чўлпон,
 ушалсин аҳд ила паймон,
Кезайлик ишқ аро хандон
 ғўзал Тошкенту Фарғона.

Ўзингсан эй гули раъно —
 ҳаётимга асл маъно,
Сенингсиз билки, эй жоно,
 кўнгил вайрона-вайрона.

Рақиблар сўзидир рўё,
 инонма анга эй, зебо,
Боқурман туну кун эвоҳ,
 сенга ҳайрона-ҳайрона.

Изларинга излабон ногоҳ,
 юрагим — кўкда кезган моҳ,
Фироқингда чекурман оҳ,
 бўлиб девона-девона.

Зикриллонг бўлди-ку нолон,
 тараҳҳум айла, эй жонон,
Яшайлик иккимиз шодон
 бўлиб мастона-мастона.

ЯШАРМАН

Юртим, боғу бўстонларингда
шоду хандон кезиб яшарман.
Қушдай учиб осмонларингда,
сойларингда сузиб яшарман.

Боғимга гул-райҳонлар экиб,
ишқ йўлида жонимни тикиб,
Ёримга деб ёниб, энтикиб
гулдасталар тузиб яшарман.

Дўсту ёрга меҳримни сочиб,
ғанимларга қаҳримни сочиб,
Яхшиларга бағримни очиб,
ёмонлардан безиб яшарман.

Гоҳ қалбимни ўртар армонлар,
ёрсиз ўтган ҳижронли онлар,
Булбул каби чекиб фиғонлар,
юрак-бағрим эзиб яшарман.

Бевафодир бу кўҳна дунё,
оқилларга кун бермас гоҳо,
Шундай дамлар солиб вовайло
дунёларни бузиб яшарман.

Орзуларим ошсин рўёбга,
олам тўлсин нуру зиёга,
Чулғансин деб диллар навога
шеър-ғазаллар ёзиб яшарман.

БАЪЗАН УМР

Баъзан умр ўтар кетар, бир шам ўчгунча,
Ё бир қарвон манзилдан аста кўчгунча.

Туғаб қолур не донишу олимлар умри,
Бу оламнинг сирларини тугал ечгунча.

Гулдан гулга қўниб ҳалак бўлгай капалак,
Бир гулшаннинг гулобидан қониб ичгунча.

Не-не ҳижрон азобларин чеккайдир ошиқ,
Ёр васлига етиб нозик белин қучгунча.

Ишқ дардини ёр ишқида ёнғандан сўранг,
Муҳаббат бу — қийноқлару қонга ўч гунча.

Зикрилло ҳам ишқ йўлига тикди ўз умрин,
Жондан кечиб қўйгайдир у, ёрдан кечгунча.

САРВИНОЗИМ

Сарвинозим, бир бора кулиб қўя қолсанг-чи,
Дилимдаги дардимни билиб қўя қолсанг-чи.

Юргунча нозлар қилиб, юрак-бағримни тилиб,
Соғинганимни билиб, келиб қўя қолсанг-чи.

Бўлиб сен гулу райҳон, бағримни этгунча қон,
Сабо бўлиб, мен томон елиб қўя қолсанг-чи.

Ошиқ тўла ҳар ёғинг, ёндираар алам доғинг,
Сен уларга қовоғинг солиб қўя қолсанг-чи.

Лоф демишсан ҳолимни, дилдаги туғенимни,
Ундан қўра жонимни олиб қўя қолсанг-чи.

Зикрилло дер: Сирдошим, битди сабру бардошим,
Бир умр бахт қуёшим бўлиб қўя қолсанг-чи.

ЁР УЧУН

Куйлагайман бу ҳаётда ёр учун, дилдор учун,
Ёр учун ошиқ дилимда ўгли ишқим бор учун.

Бир боқиб оҳу мисол ақлимни олмиш ул пари,
Оҳ чекарман туну кун ул кўзлари хуммор учун.

Бўзлагайман ҳажрида зор андалибдек боғ аро,
Ўртаниб шому саҳарлар гул учун, гулзор учун.

Оразин бир кўрмасам, оташда минг бор ёнаман,
Ул санамсиз кўзларимга икки дунё тор учун.

Тарки ишқ эттил дейолмас, оҳки менга ҳеч киши,
Ишқ аро Мажнунлигим эл аро ошкор учун.

Бир умр Зикрилло ёр деб ёнса асло айб деманг,
Ошиқ аҳликим жаҳонда жон берар дийдор учун.

БИЛИНГАЙ

Кўклам келганлиги қорлар эришидан билингай,
Ўрик-бодомларнинг гулга киришидан билингай.

Тонг отгани субҳидамда қушларнинг чуғурию
Кўкда гўзал Зухрохоннинг қулишидан билингай.

Инсон зотин юрагининг туганмас туғёнлари —
Кўкси аро қалбин дук-дук уришидан билингай.

Санамларнинг ноз-ибоси бирла нозик адоси
Товус мисол иболаниб юришидан билингай.

Қиз қалбига ишқ-муҳаббат оташин ёнганлиги,
Ширин-ширин ўй-хаёллар суришидан билингай.

Йигит қалбида ишқ ўтининг гуллаб, чечак отгани
Қизлар билан сирли суҳбат қуришидан билингай.

Эй ёронлар, дўсту ёрнинг қанчалик содиқлиги
Оғир дамларда ёнингда туришидан билингай.

Шоир аҳлин довотининг нақадар асиллиги
Сиеҳининг қанчалик тез қуришидан билингай.

Эй Зикрилло, шеърларингни дилбару дилкашлиги,
Юракларда қанча собит қолишидан билингай.

МУХАММАСЛАР

МАШРАБ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Нетай, ҳажрингда эй дилбар, юрак-бағри яро бўлсам,
Етолмасдан висолингга ғарибу мубтало бўлсам,
На ўлмай, на қололмасдин, икки дунё аро бўлсам,
Қиёматдир агар, жоноки, мен сендин жудо бўлсам,
Хуш ул давлат эрур менга фироқингда адо бўлсам.

Мани мотамсаро этган фироқдур, доғи ҳижрондур,
Саҳарлар оқ урар бўлсам, фиғонимдан шафақ қондур,
Бу дардимни битар бўлсам, сўзим тушган варақ қондур,
Муҳаббат ўтиға, жоно, юрогим таҳ-батаҳ қондур,
Нечук мен айлайин дўстлар, азалдин бенаво бўлсам.

Термулиб туну кун бедор яқин бирла йироғингдин,
Дилимга ларзалар тушди сени чашми қароғингдин,
Ки, қалбим қонталаш бўлди ҳажр отлиғ яроғингдин,
Юроги бағрим ўртанди сени дарду фироқингдин,
Нечук юз қайтаройин мен азалдан ошно бўлсам.

Бу ҳижрон дашти, эвоҳким, юрак-бағрим кабоб айлар,
Сани васлингга етмакни мудом менга сароб айлар,
Кўзим кўзингга тушганда, нечун менга азоб айлар,
Ҳама ушшоқи содиқни сени ишқинг хароб айлар,
Қабул этгил, аё дилбар, кўйингда бир гадо бўлсам.

Сани, ишқингда ёнгумдир неча йил, неча ойларман,
Яна қанча ҳаёт бўлсам, дағи йўлингни пойларман,
Ёриб кўксимни, қалбимга гўзал исмингни жойларман,
Фалакни жавридин, дўстлар, нечун мен шиква айларман,
Нетай, найлай, азал кундинки мен бахти қаро бўлсам.

Етар ҳижронларинг эй ёр, мани ё ўлдирармусан,
Адо бўлган бу қалбимни аламга тўлдирармусан,
Зикриллони ситамларга мудом лойиқ кўрармусан,
Менинг додимга етиб ҳам бу ҳолимни сўрармусан,
Фироқингда адо бўлган бу Машраб, бир гадо бўлсам.

ҒАРИБИЙ ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Қай париваш чеҳраси хуршиди тобонимча бор,
Қай сулувнинг ишваси ул нозли жононимча бор,
Қайси ошиқ ҳоликим, ҳоли паришонимча бор,
Қайси бир гулчеҳра ул гулбарги хандонимча бор,
Қайси бир шамшодқад сарви хиромонимча бор?

Ул санамнинг ишқиға жону дилимни банд этай,
Неки банд, балки анинг жонига жон пайванд этай,
Ул гўзал дилдор учун лутфимни болу қанд этай,
Қайси бир хуршидсиймони анга монанд этай,
Қайси маҳваш орази шаъми шабистонимча бор?

Эзмаса бағрин булутким зарра осмон йиғламас,
Бесабабдин бесабаб ҳеч лаҳза инсон йиғламас,
Ёнмаса ҳижронда булбул тонг-ла нолон йиғламас,
Қайси бир дамким кўзум ҳижронидин қон йиғламас,
Қайси бир сели бало бу чашми гирёнимча бор?

Ёра бўлган ўтли ишқим мисли шабнам пок эрур,
Лек ҳануз васлиға етмасдин дилим ғамнок эрур,
Неки ғамнок ҳам тифидин минг тилинган нок эрур,
Қайси бир гул қўнглаки кўксум киби юз чок эрур,
Қайси булбул ноласи фарёду афғонимча бор?

Оҳким, севмак жаҳонда айб эмас, макруҳ эмас,
Ишққа эврилмас эса, ул жон эмас, ул руҳ эмас,
Андалибга гул азоби ғам эмас, андуҳ эмас,
Қайсидирким мен киби ул ғамзадин мажруҳ эмас,
Қайси кофир, қон қилурда номусулмонимча бор?

Жони йўқ бир тан билингиз, нозли жононсиз мени,
Заъфарон бустон билингиз, гули райҳонсиз мени,
Кетса гар ёрим, кўрингиз лаҳзада жонсиз мени,
Қайси бир андуҳ ўтиким ўртамас онсиз мени?
Қайси дўзах ўти, ёраб, сўзи ҳижронимча бор?

Васлига етказ дебон, Оллоҳдин лутф истасанг
Ул париваш сочиға жон риштасин зулф истасанг,
Эй, Зикийрий, нозанин ул ёра кел деб қистасанг,
Гар паришон назминга ислоҳдин зеб истасанг,
Эй Фарибий, қайси бир, шоҳи суҳандонимча бор?

ҲАМИД ОЛИМЖОН ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Нетай, ишқингда эй жоно, мудом ошуфтаҳол бўлсам,
Нигоҳбонинг киби тунлар бошингда ой-ҳилол бўлсам,
Булоғингдан оқиб ётган тиниқ оби зилол бўлсам,
На бўлғай бир нафас мен ҳам яноғинг узра хол бўлсам,
Лабинг япроғидан томган ки гўё қатра бол бўлсам.

Кучоғингда мисоли гул каби яшнаб узун кунлар,
Кувончингдан ёниб гулгун, ғаминг кўрсам бўлиб хунлар,
Кезиб сахрою даштингда бўлиб Фарҳоду Мажнунлар,
Бутоғингга қўниб булбул, каби хониш қилиб тунлар,
Ўлиб ғунчангни очмоқликка тонг чоғи шамол бўлсам.

Номингни янгратаиб юрсам у ён Мағриб, бу ён Машриқ,
Мудом қалбимда жо бўлса — Ватан дарди деган оғриқ,
Баҳор чоғи эсиб турган майин боди сабо янглиғ —
Бўйингни тарқатиб оламни қилсам масту мустағриқ
Ўзимнинг санъатимга сўнг ўзим ҳайратда лол бўлсам.

Агар сен кенг само бўлсанг, бўлиб бағрингда бир юлдуз,
Агар сен зўр чинор бўлсанг, бўлиб пойингда бир илдиз,
Сени бахту камолинг деб дилим ўртаб кеча-кундуз,
Сенинг бирла қолиб бу масту лол оламда ёлғиз,
Ўзимни ҳам тополмай, майлига охир хаёл бўлсам.

Нетайким, дилдаги ишқим бу — дарди бедаво бўлса,
Кечарму ёридан ошиқ дилида ишқ — вафо бўлса,
Чидарман майлига қанча жабр бирла жафо бўлса,
Агар боғингда гул бўлмоқ менинг-чун нораво бўлса,
Ки минг бор розиман қасрингга ҳаттоким дувол бўлсам.

Дилим ҳеч тушмагай айро бу боқий боғу бўстондан,
Ахир, қай бир ою юлдуз кечар феруза осмондан,
Сени асрай мудом турли қабоҳат бирла тўфондан,
Бошим ҳеч чиқмаса майли маломат бирла бўҳтондан,
Рақиблар рашкига кўкрак керай майли қамол бўлсам.

Куёшдай термулиб ётсам гўзал ҳусни жамолингга,
Юрагим гул қилиб тақсам ўшал қадду камолингга,
Сўлим боғ-роғларинг кезсам, дўниб ҳур-ҳур шамолингга,
Кезиб сахрою водийлар етишсам бир висолингга
Фидо жонимни қилдим йўлингга, майли увол бўлсам.

ТОШПЎЛАТ АҲМАД ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Бу оламда курашсиз зафар қучиб бўлмагай,
Қайрилган қанот бирлан кўкка учиб бўлмагай,
Тафаккурсиз жумбоқни зинҳор ечиб бўлмагай,
Қоғоздан кема ясаб, дарё кечиб бўлмагай,
Бешууру беидрок зиё сочиб бўлмагай.

Бу ҳаётда тилсим кўп, сен-да бир тилсимдирсан,
Аждодларинг ким эрди, билки ўзинг кимдирсан,
Асрий тилсимотларнинг олдида лол, жимдирсан,
Сен имтиҳон бергувчи толиби илмдирсан,
Беранжу бемашаққат кўнгил очиб бўлмагай.

Ҳар ким ҳам кўтаролмас Алпомиш ёй-садоғин,
Гўрўғли султон билгай у дунёнинг адоғин,
Халқим зинҳор унутмас Тўмарису Широғин,
Фарҳодни кўр, Мажнундан ўрган ҳунар сабоғин,
Бериёзат, беамал тоғни қучиб бўлмагай.

Сўргил, дунё нелигин дунёдан огоҳлардан,
Йироқ юргил ва лекин, ғофилу гумроҳлардан,
Нажот кутсанг, кут фақат ўзингга дилхоҳлардан,
Ҳаёт гули яшнайти покиза нигоҳлардан,
Бенавою бесурур гулоб ичиб бўлмагай.

Гар сўзласанг, рост сўзла, ёлгон кўшиб бўрттирма,
Мансаб отида бўлсанг, элингни оқ торттирма,
Мола дунё ортидан ҳадеб отинг йўрттирма,
Ҳирсу ҳавас кўчасин кезиб гуноҳ орттирма,
Бетовбаю беқасам юртдан кўчиб бўлмагай.

Елга учмасин ҳаргиз, гул умримиз айёми,
Эй Зикий, бул эрур устозларнинг каломи,
Мозийнинг интиҳоси — келажакнинг саломи,
Эй Аҳмадий, бу дунё у дунёнинг давоми,
Бемақсаду бемурод ҳақдан қочиб бўлмагай.

СИРОЖИДДИН САЙЙИД ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Бу оламда мени гирён яратмишлар,
Юрак-бағрим тўла туғён яратмишлар,
Дилимнинг қонидан вулқон яратмишлар,
Ишқ бобида мени нолон яратмишлар,
Булбул каби бағримни қон яратмишлар.

Муҳаббат боғидан хуш бўй таратмишлар,
Бу гулшанга сўнг мани зор қаратмишлар,
Кўзимнинг ёшидан уммон яратмишлар,
Дилимдан менга бир тўфон яратмишлар,
Бу тўфондан ўзимга жон яратмишлар.

Заминга жонимни жонажон айлаб,
Халқимга қалбимни меҳрибон айлаб,
Дўстни мард, душманни нотавон айлаб,
Бошимга осмонни соябон айлаб,
Қуёшу ойдан посбон яратмишлар.

Мани Мажнуну Фарҳоддир чин аждодим,
Мудом ёру диёримда фикру ёдим,
Хаёлимда яшар мангу паризодим,
Билинсин деб тамом ободу барбодим,
Бу ишга ишқ деган имкон яратмишлар.

Ҳаётда гоҳ ғайр элин аъмолини кўрдим,
Ғаҳи курмак кемирган шолини кўрдим,
Тарож бўлган ғарибнинг молини кўрдим,
Ғаҳи дил аҳлининг аҳволини кўрдим,
Ажабким, ер билан яксон яратмишлар.

Қабоҳат йўлидан ҳар лаҳза мен қайтдим,
Қўл чўзмадим номардга ҳатто оч пайтим,
Нафс аҳлидан зинҳорки сўрмадим қайтим,
Дили йўқ кимсани кўрганда айтдим,
Ки бу бечорани ёлгон яратмишлар,

Мудом аҳдим эрур элга шериклик,
Тиз чўкмасман ёв келса минг чериклик,
Ёвга бўлсин сўликлигу чириклик,
Менинг ёдим эрур бори тириклик,
Заминдан то само гирён яратмишлар.

Айро тушмам ҳеч Ижод отли қарвондан,
Сабоқ олгум мудом саҳийқалб сарбондан,
Лек бир жумбоқ қолдирар мени дармондан:
Нечун бунёд этиб дунёни армондан,
Ва мендан бир жаҳон армон яратмишлар.

ОЛИМЖОН ХОЛДОР ҒАЗАЛИГА МУҲАММАС

Сен кетдинг эй дилбар, гирёна бўлиб қолдим,
Жисму қаноти куйган парвона бўлиб қолдим,
Ҳижронларда сарғайган остона бўлиб қолдим,
Сен кетдинг ортингдан вайрона бўлиб қолдим,
Ўт олди вужудимни, девона бўлиб қолдим.

Ёр, кетдинг қаёнларга ёнимдан қадам тортиб,
Қолдим-ку аламларга, кундан-кун нолам ортиб,
Дил очдим ғазалларга, мен ҳадсиз алам тортиб,
Тақдири азалларга шафқатсиз қалам тортиб,
Ҳеч кимга сирим айтмас — пинҳона бўлиб қолдим.

Асло парво қилмайдир теграмдаги ёронлар,
Дардларимни билмайдир теграмдаги ёронлар,
Сени бошлаб келмайдир теграмдаги ёронлар,
Ҳолимни тушунмайдир теграмдаги ёронлар,
Ўзимга ўзим шу дам бегона бўлиб қолдим.

Нигоҳ ташлаб бир бора сендек сочи сунбулга,
Айланиб қолдим ёраб, ошуфтаҳол булбулга,
Ҳар куни йўлинг пойлаб, оташлар солиб дилга,
Номингни қўшиқ айлаб, бир марта олиб тилга,
Найлайки, бу оламда афсона бўлиб қолдим.

Бу ҳолимга тоғлар ҳам тош қотди билолмасдан,
Соғиниб, қароқлардан ёш оқди билолмасдан,
Кўнглимнинг осмонидан ой ботди билолмасдан,
Яқину йироқлар ҳам бош қотди билолмасдан —
Ўгирди юзин мендан, ҳайрона бўлиб қолдим.

Оҳ, ёр нечун юз бурдинг, аламлар солиб жонга,
Юз бурдингу тиг урдинг ҳажрингда ярим жонга,
Зикриллонг бўзлар энди, чидолмай бу ҳижронга,
Шундай ҳам етар эрди ситамлар Олимжонга,
Ёзганим пароканда, мастона бўлиб қолдим.

СУЛАЙМОН ШОДИЕВ ҲАЗАЛИГА МУҲАММАС

Ўзингсан дилга дилхоҳим, жамолингдан жудо қилма,
Етарму сенга дил оҳим, меҳрингдан Мосуво қилма,
Яхшиларнинг маконидин мени асло жудо қилма,
Мани, эй ёлғиз Оллоҳим, ёмонга ошино қилма,
Маконимни ёмонларнинг ёвуғинда бино қилма.

Ўзинг қўллаб юбор ҳар дам, "Илоҳим" деб нидо қилсам,
Учиб шиддатли лочиндай, агар сайри само қилсам,
На бўлгай, дўст дилин шодлаб, рақиб юзин қаро қилсам,
Ҳаёт отлиг бу очунда адашсам ё хато қилсам,
Жазога мустаҳқиқдирман, вале жондан жудо қилма.

Йшайдирман юраклардан мудом меҳригиё истаб,
Дилим дардини айтмоққа гўзал бир дилрабо истаб,
Дағи фарёду ноламга ажиб оҳанрабо истаб,
Ўзинг боис бу оламга, келибман бир зиё истаб,
Қароғимни очиб, кўнгил кўзимни нобино қилма.

Йироқлаб кетмагил ҳеч он, хаёлу фикру ёдимдан,
Яратгил боғ ила бўстон, менинг нурли ҳаётимдан,
Ки, завқ олсин еру осмон мудом шеъру баётимдан,
Аюрма аввало иймон, ишончу эътиқодимдан,
Фақир бандангни муслим аҳли ичра рўсиё қилма.

Таралгай ҳар тараф нурлар, агар кўксимни мен ёрсам,
Дилимнинг рангини тонг-ла қуёшнинг нурига қорсам,
Тавоф айлаб, умид бирла Меҳр меҳробинга борсам,
Қабул айла қаро тунлар тазарру бирла ёлборсам,
Илоё, ноумид қилма, гирифтори бало қилма.

То тирикман, бу оламдан ёмонларни қувай дейман,
Ва шодлик шабнами бирла юракларни ювай дейман,
Муқаддас она юртимга мудом содиқ қолай дейман,
Ватанда кўз очибман, шул Ватанда кўз юмай дейман,
Ватансизлар қаторинда ғарибу бенаво қилма.

Ўзинг ҳар ишга қодирсан, сўзингдек сўз қани, билмам,
Ҳодисот борки воқифсан, кўзингдек кўз қани, билмам,
Эсли-хушли бир инсоннинг сендан дил узганин билмам,
Ўзинг танҳо улуғдирсан, ўзингдан ўзгани билмам,
Ҳама тоатларимни бир ишорат бирла "ло" қилма.

БАҒИШЛОВЛАР

УСТОЗЛАР

*Ҳаётда ҳар соҳада менга меҳр-ла сабоқ берган барча азиз
устозларимга бағишлайман*

Ассалом, эй меҳрибон, асл мумтоз устозлар,
Мадҳингизни куйлайин шод, янграсин соз, устозлар.
Сизга олқиш, сизга таъзим, сизгадир минг эҳтиром,
Меҳр тўла бағри мудом баҳору ёз устозлар,
Пойингизга минг бор таъзим айласак оз, устозлар!

Ҳаёт дарсин ўргатдингиз, ҳар лаҳза йўл кўрсатиб,
Жажжи, мурғак қалбимизда ажиб ҳислар уйғотиб,
Она Ватан меҳри билан юракларни яйратиб,
Айладингиз умримизни чин сарафроз, устозлар,
Пойингизга минг бор таъзим айласак оз, устозлар!

Сиздан олган қанот бирла самоларга учдик, биз,
Сизлар берган тафаккур-ла не сирларни ечдик, биз,
Сиз туфайли баланд-баланд чўққиларни қучдик, биз,
Сиз туфайли юксакларга этдик парвоз, устозлар,
Пойингизга минг бор таъзим айласак оз, устозлар!

Куёш каби меҳрибонсиз, сизгадир дил розимиз,
Бир умрга хизматингиз айламоққа розимиз,
Минг йил хизмат айласак-да, узолмасмиз қарзимиз,
Бир умрга бўлинг омон, асл мумтоз устозлар,
Пойингизга минг бор таъзим айласак оз, устозлар!

Аммо бир кам дунё экан, кўнглим буткул тўқ эмас,
Меҳрингизни тез унутган шогирдлар ҳам йўқ эмас,
У касларнинг бағри тошдир, қалби асло чўғ эмас,
Ундайларга бордир менда кўп эътироз, устозлар,
Пойингизга минг бор таъзим айласак оз, устозлар!

Устозим деб элаганда, кўксимиз осмон бўлур,
Чин шогирднинг умри гўзал - боғ бўлур, бўстон бўлур,
Устоз меҳрин унутганлар, бир кун пушаймон бўлур,
Айлағаймиз бир умрга Сизни эъзоз, устозлар,
Пойингизга минг бор таъзим айласак оз, устозлар!

ФИЖДУВОНИЙГА ТАЪЗИМ

Эй, устози мукаррам, сизгадир дил каломим,
Қабул айлангиз бу дам таъзиму эҳтиромим,
Сизнинг таваллуд айём — менинг-да, зўр айёмим,
Сизга бугун оламнинг олқишу салламоси,
Ҳазрати Фиждувоний — буюк пирлар даҳоси!

Юсуф Ҳамадонийнинг илмини айлаб давом,
Хожа Нақшбандийга мадад бўлдингиз мудом.
Улуғ хислатларингиз айтаверсам номма-ном,
Эзгу хизматларингиз йўқдир асло баҳоси,
Ҳазрати Фиждувоний — устозлар раҳнамоси!

“Рисолаи-васое” — улуғ насиҳатингиз,
Қуёш бўлиб нур сочар илму маърифатингиз,
Турар, дунё турганча олий тариқатингиз,
Ўзингизсиз ҳақ йўлин энг улуғ раҳнамоси,
Ҳазрати Фиждувоний — буюк пирлар даҳоси!

Дегансиз: “Қўл ишда-ю, кўнглингиз ҳақда бўлсин”,
Инсоф бирла Диёнат албатта халқда бўлсин,
Ишқ бирла Садоқатнинг илдизи қалбда бўлсин,
Асрлар оша янграр бу қалбингиз садоси,
Ҳазрати Фиждувоний — устозлар раҳнамоси!

Сиз боис, Фиждувон ҳам дунёга машҳур бўлди,
Панду насиҳатингиз юракларга нур бўлди.
Тасаввуф илмин ўқиб не-не диллар ҳур бўлди,
Эзгуликдир бир умр қалбингиз муддаоси,
Ҳазрати Фиждувоний — буюк пирлар даҳоси!

Сиз тугилган юрт яшнаб, бўлди ободдан-обод,
Яшнатиб ҳур гулшанин, мард элимнинг кўнгли шод,
Сиз боис, бу заминга нур ёғилгай умрбод,
Сиз боис, порлар мангу Абадият куёши,
Сизга олқишу таъзим, устозлар раҳнамози!

БАҒРИ КЕНГ УММОН

Устоз Абдулла ОРИПОВга

Сиз — буюк, бағрикенг уммонсиз, устоз,
Биз балки кичик бир ирмоқчадирмиз.
Сиздан шижоатни ўрганиб оз-оз,
Манзил сари шошиб бормоқдадирмиз.

Ёмғирлари бирла денгиз ҳар нафас —
Не-не ирмоқларга бахш этар қувват.
Меҳр ёмғирлари ёғиб турса, бас —
Дарёга айланур ирмоқлар, албат!

Денгиз шовуллаши тинмагай асло,
Ёмғирлар оламини яшнатмоқдадир.
Ирмоқлар уммонга қуйилган асно —
Мангулик қўшиғи яралмоқдадир.

УМРИМИЗ ФУРСАТЛАРИ

Шоир Тошпўлат Аҳмадга

Бу оламда асл шоир бўлмоқ учун,
Юрагингда оламча дард бўлсин экан,
Шеърятнинг довонидан ошмоқ учун —
Устозларинг тантию мард бўлсин экан.

Енгмоқ учун бу дунёнинг ғамларини,
Тулдирмоқчун кемтик кўнгул камларини,
Аритмоқчун эл кўзидан намларини —
Иродангиз тош ё пўлат бўлсин экан.

Ташвиш келса, эл бошига офат каби,
Ёғиб ўтсанг, мисли оби раҳмат каби,
Ҳассос шоир ул Тошпўлат Аҳмад каби —
Шиорингиз "Юртни гуллат!" бўлсин экан.

Маккатулло деб улуғлаб Бухорони,
Бахш айлабон унга назмий зеб орони,
Эзгуликка чорлар аҳли шуарони,
Ҳар кимда ҳам шундай ҳиммат бўлсин экан.

Устоз, сизни қўллар мудом уйғоқ руҳлар,
Бухорои шариф ичра шон-шукуҳлар,
Минора калон сизга умрин тилар,
Қуёш мулки — сиз учун тахт бўлсин экан.

Бухорийлар бошингиздан сочиб зиё,
Чорбакрлар чор тарафдан айлар дуо,
Олтмиш нима, юз ёшга ҳам етинг илло,
Бир бахт бўлса, шундайин бахт бўлсин экан.

Эй Зикрилло, мўлдил дунё неъматлари,
Ғаниматдил буюкларнинг ҳимматлари,
Шиддатлидил умримизнинг фурсатлари,
То ўлгунча шундай шиддат бўлсин экан.

ҚАЛАМИНГИЗ СИНМАСИН

Шоир Икром Отамуродга

Мақонингиздир ажиб "Тўрғайли манзиллар" да,
Хаёлингиз суманбар, сумбулсоч хонгулларда,
Сизга улуғ ҳавас бор не бедор кангулларда,
Дил узмай Қашқадарё ичра кўркам Касбидан,
Сиз элга мукофотсиз файзли баҳор фаслидан.

"Вақт ранглари"ни излаб олис йўлга тушдингиз,
"Жануб қушлари" бирла самоларга учдингиз.
"Уфқ ортин бепоён" — воҳаларин қучдингиз,
Кангунгизнинг дардларин кангулларга очдингиз,
Қалбингизнинг рангларин хонгулларга сочдингиз.

Хали ҳеч ким кечмаган сойларни излагайсиз,
Хали ҳеч ким қучмаган ойларларни излагайсиз,
"Харитага тушмаган жойлар"ларни излагайсиз,
"Узоқлашаётган оғриқ" қалбингизни тарк этмас,
"Ярадор умид оти" наҳот соғайиб кетмас?!

Сиз боис Маҳмуд Дарвеш ўзбекчада сўзлади,
Яйраб Ўлжас Сулаймон ўзбекона бўзлади,
Ҳатто Евтушенко ҳам шеърларида сизлади,
Таржималарингиз назм боғин ғоят яшнатар,
Дўст, қардош адибларнинг кўнгилларин яйратар.

Сизнинг-да шеърларингиз тушмас қардош тиллардан,
Асло кангул узмассиз "Тўрғайли манзиллар"дан,
Устоз деб жой олдингиз тугёнли кангуллардан,
Канглингиз "Тавр" — туёни устоз, мангу сўнмасин,
Қўлингиздаги қутлуғ қалам асло синмасин!

БОРГАН САРИ

*"Бизга баҳор бегонадир борган сари,
Кўнглимиз ҳам вайронадир борган сари"*
Чоршаъм Рўзиев

Бизга баҳор парвонадир борган сари,
Кўнглимиз ишқ деб ёнадир борган сари.

Кўклам ўтиб, ёзга етиб шоир Чоршаъм,
Умр йўли гулхонадир борган сари.

Эллик йилки, эл деб ёнар ул бедор шаъм,
Эл ҳам унга парвонадир борган сари.

Шеърга кўчиб буткул ҳассос кўнгиллари,
Ёзганлари халқонадир борган сари.

Ўзбек элин дардин кўйлаб, бахтин ўйлаб,
Гоҳ хандон, гоҳ ҳайронадир борган сари.

Ойна жаҳон ўтрусиди тун-кун бедор,
Илҳом излаб тўлғонадир борган сари.

Юртни кезар бошларига дўппи кийиб,
Юриншлари шарқонадир борган сари.

Бухоронинг офтоблари ўт пуркаса,
Қочар жойи Фарғонадир борган сари.

"Лабзак" даги ҳовлиларин деворлари,
Истеъкоми Арконадир борган сари.

Шаҳри азим ичра мўъжаз гулбоғлари,
Меҳмонларга пурхонадир борган сари.

Чоршаъм шоир эллик ёшга тўлиб, дўстлар,
Юртим ҳар ён тўйхонадир борган сари.

Дўст-ёронлар қутловидан гул-гул ёниб,
Шоир дили нурхонадир борган сари.

Зикрилло ҳам, ғазал битди меҳрин кўшиб,
Бу табрик бир баҳонадир борган сари.

ҚОЛУР

Дўстим Х.Хайруллога

Дўстим, биздан бу дунёда не қолар дема,
Бу оламда чин инсондан яхши от қолур.

Изсиз ўтиб кетармиз деб, зинҳор, ғам ема,
Ҳар кишидан инсонлиқдан бир исбот қолур.

Бу дунёда ўлим шундай буюк ҳилқатки,
Қаршисида шоҳу гадо бир кун мот қолур.

Не-не аждодлар ўтишгач, биз қолган каби,
Бизлар ўтсак, оргимиздан ёш авлод қолур.

Давом айлаб эзгу орзу-ўйларимизни,
Фарзанд дея аталгувчи мукофот қолур.

Кимки жондан севса элу юртин бир умр,
У ўз халқин юрагида умрбод қолур.

Бу ҳаётда кимдан қаср, кимдан боғу роғ,
Кимдан кўприк, кимдан эса йўл-робот қолур.

Қуёш янглиғ қалби нурга тўлиқ инсоннинг —
Қутлуғ манзил-мақонлари шод-обод қолур.

Дунёда чин инсонларни мадҳ этиб мангу,
Зикриллодек шоирлардан шеър-баёт қолур.

КЎНГЛИМ ИЧРА ҲАМ СЕВИНЧУ ҲАМ АЛАМ

*Марҳум дўстим Ҳамроқул Жўраев қизининг бахт тўйида
айтилган шеър*

Оҳ, бу дам сўзлаш қийин, бир дард мени эзмоқдадир,
Ўйларим, туйғуларим пардек бўлиб тўзмоқдадир,

Қалбим ичра ҳам севинчу ҳам алам кезмоқдадир,
Бириси кўнглимни шод этса, бири бузмоқдадир.

Бу ёруғ кунларни кўрмай кетган дўстни ёд этиб,
Хотирам ханжар бўлиб, ўксик дилим кесмоқдадир.

Лек, менга қувват бағишлар чин Садоқат борлиги,
Шул сабаб инсон ҳаёт наҳрида тинч сузмоқдадир.

Дўсту Ҳамроҳ кетди, аммо, қолди ундан яхши ном,
Бориким, хушёр киши, дўстлар буни сезмоқдадир.

Ўз қизин бахтин кўриб, бир лаҳза балким шод бўлиб,
Дўстгинамнинг пок руҳи базм аро кезмоқдадир.

Бахтли бўлгил қизгинам деб ҳам пешонасин силаб,
Уш насимга айланиб, балки бу он эсмоқдадир.

Шод бўлиб ҳам ёридан тоқат, — Садоқати учун,
Боғ аро Райҳонга деб гулдасталар тузмоқдадир.

Оқарар бошларда соч, тушмоқдадир юзга ажин,
Чунки манглайга ҳаёт ўз нақшини чизмоқдадир,

Дўсту ёру қон-қариндошларга минг бор эҳтиром,
Бирлашиб эл-юртга тўй дастурхонин ёзмоқдадир.

Дўстни ёд айлаб бу дам, ҳам икки ёшга бахт тиланг,
Чун алар шодлик ила Бахт қасрини тузмоқдадир.

Иккисин ҳам бу жаҳонда ота руҳи қўлласин,
Бахт фақат кўрмоқдамас, чин дил билан сезмоқдадир.

Дўсти Ҳамроҳ, қайдасан, келгил, мани ҳолимни кўр,
Бахт сўзин сўзлаб бу дам, кўзларда ёш сизмоқдадир.

Бахтли бўлсин, деб умрбод Садоқат бирла Умид —
Бул Зикрилло бу дам, ўз мисрасин тизмоқдадир.

Дўстларим, мангу яшар дунёда меҳру оқибат,
У азал кезган жаҳонда, то абад кезмоқдадир!

• • •

БОЙСУН САФАРИ

(Достон)

Сафарга отландик. Ўтирган бўйро —
Юрган эса дерлар — дарёи азим.
Қўҳна бағрингни оч, эй Сурхондарё,
Бойсунни кўрмоққа айладик жазм!

Бойсунни кўрмасдан қайтсак Сурхондан
Армонлар қолмасми ахир кўнгилда.
Улфати чор бўлиб саҳармардондан,
Қайдасан Бойсунжон, деб тушдик йўлга.

Қир-адирлар бўйлаб биз тушган авто,
Учқур бир тулпордек бораркан йўртиб.
Кўзимиз олдида бўлди намоён —
Қадим Сурхондарё — полвонлар юрти!

Олис-олисларда беғубор осмон
Мовий тоғлар ила кетган бирлашиб.
Кумушдай товланган булутлар-шодон
Чўққилар қори-ла ётар сирлашиб.

Адирларга тушган булут сояси
Лочин қанотидек ўтар силкиниб.
Қорайиб кўринган тоғлар қояси,
Қушлар қанотида ётар елпиниб.

Офтобда товланган аждарлардайин
Ястаниб ётишар метин даралар.
Емириб ташламиш тоғ-тошлар бағрин
Асрий жароҳатлар, асрий яралар.

Ялтирар қир аро йўл мисли камар,
Дилларни ёритиб борар бир ёғду.
Бир ёзув учради, бу — "Тиллокамар"
Камарлари тилло қишлоқми ё бу?!

Неча бундай маъво манзиллар ўтиб,
Кўзланган манзилга етдик ниҳоят.
Атроф гўзаллиги кўз қамаштириб,
Дилни қувнатарди, дўстлар бағоят.

Ана биз интилган ўшал Бойсунжон —
Тоғлар қучоғида яшнаган жаннат.
Эртақлар ўлкаси — гўзал Бойсунжон,
Ажиб малоҳатли, сирли бир хилқат?!

Салом гўзал Бойсун, азиз Бойсунжон,
Тани жонинг соғми, элинг омонми?!
Бунча ям-яшилсан гўзал Баҳорхон —
Ёки қучоғингда мангу меҳмонми?!

Шукр, дийдорингга етдик, Бойсунжон,
Эй, сен Сурхон юртин нозли эркаси!
Таърифингга етмас минг шеър, дoston,
Қадим асотирлар, сирлар ўлкаси!

Сенинг Алпомишу Барчинойларинг —
Жумлаю жаҳонни айлаган ҳайрон.
Метиндай мустаҳкам тоғу тошларинг —
Эрур ҳар биттаси юртга бир қўрғон.

Хусни жамолинг оч, гўзал Бойсунжон,
Дийдорингга қониб-қониб тўйойин.
Мен ҳам сенга, эй азиз она макон —
Аҳдига содиқ бир ўғлон бўлойин.

Дилларни ёндириб шу ажиб ҳислар
Дўстлар, кириб бордик ҳур Бойсунжонга.
Гўзалликдан ял-ял яшнади кўзлар,
Юрак тўлди чексиз ҳис-ҳаяжонга.

* * * * *

Пешвоз чиқди бизга Алпомиш ўзи,
Тизгинин тортганча Бойчиборини.
Қўлда қирғий қуши, олисда кўзи
Гўё кўз-кўз этиб ўз диёрини.

Ёнида жилмайиб турар Барчиной,
Ўз жуфтига содиқ оққуш мисоли.
Чор-атрофга ойдек таратиб чирой,
Ишқу садоқатнинг сўнмас тимсоли.

Тоғ еллари эсар салқин, роҳатбахш,
Кўкда парвоз этар учқур бир лочин.
Қиру адирларга гулдан солиб нақш,
Ястаниб ётибдир гўзал бир очун.

* * * *

Тошдеворлар қатор-қатор,
Гўё маржонга ўхшайдир.
Бу жойларда тупроқ — олтин,
Тошлар арзонга ўхшайдир.

Ўтлаб юрар қўй-қўзилар,
Йўл бошлабон серкалари.
Йўл четида улоқчалар —
Ирғишлайди эрқаланиб.

Етдик "Омонхона" сига
Бойсун дармонхонасига.
Даво излаб не-не зотлар
Бош урмиш остонасига.

Бир тоғ турар зоғорадай,
Гўё улкан тоғорадай.
Ости соя салқин макон —
Ҳузурбахшу оромижон.

Бургутқоя ёйиб қанот,
Асрар элни жазирадан.
Булоқлари обиҳаёт —
Қайнаб ётар мисли маъдан.

Ўйнаб оқар зилол сувлар
Тош новадек аригидан.
Сўйлаб берди Норбой тоға —
"Омонхона" тарихидан.

Бу жойларда яшаганмиш —
Ҳазрат Султон Балоғардон.
Ёв бостириб келган эмиш
Бир кун юртга солиб қирон.

Туяларни тоққа судранг,
Деб амр этмиш ҳазрат Султон.
Ёғийларнинг қирғинидан
Аллоҳ ўзи сақлар омон!

Тим-тик тоққа нортуялар
Чиқиб кетган эмиш чаққон.
Бу мўъжиза ёғийларни
Этган эмиш лолу ҳайрон.

Душман ҳарчанд уринмасин
Ҳаракати кетмиш бекор.
Тоғлик элнинг орқасидан
Чиқолмабди ёвлар зинҳор.

Ортларидан қувай деса
Қулар эмиш ёвлар оти.
Шу тариқа бу мўъжиза
Сақлаб қолмиш эл ҳаётин.

Ёғийларнинг саркардаси
Фаҳми етмай бу жумбоққа.
Ёқа ушлаб қолган эмиш
Термулганча сирли тоққа.

Тан бериб у шу тариқа
Ҳазрат Султон назарига.
Қайтингиз деб бермиш фармон
Мўр-малахдай лашкарига.

“Олам кезиб кўрмагандим
Бундай сирли мўъжизани.
Илоҳий бу зўр каромат
Ҳақдан огоҳ этди мани.

Оллоҳ назар солган жойга
Қилмоқ гуноҳдир ёмонлик.
Шу боис бу ҳур маконга
Бергаймиз биз ҳам омонлик”.

Шундай дея ёв лашкари
Қайтган эмиш ўз ортига.
Шундан сўнг ҳеч қайтмаганмиш
Тоғликларнинг бу юртига.

Шундан буён бу жойни эл
"Омонхона" деб атармиш.
Ҳазрат Султоннинг руҳига
Мудом дуолар айтармиш.

Ҳамон давом этар экан
Бу масканда муъжизалар,
Даво излаб келар экан
Кўп ожизу ожизалар.

Аждодлардан мерос қолган
Шундай улуғ макондир бу.
Ҳизр бобо назар солган
Ажиб доруломондир бу.

Ёз эмасми қуёш ҳар ёқдан
Ёғдирарди гўё аланга.
Жон сақлашчун бу жазирадан,
Жонзот бори қочган панага.

Машинадан тушдигу биз ҳам,
Терга ботиб бир лаҳза юрдик.
Сўнгра соя излаб қушлардай
Ўзни қоя остига урдик.

Бошимизда муаллақ қоя
Бургут каби турар виқор-ла...
Ўйнаб оқиб ётар пойида
Чўққилардан эриган қорлар.

Ўнгимми бу ёки ширин туш?:
Қутилдиг-а қуёш тиғидан.
Бир сипқориб бўлдиқ-ку сархуш,
Тоғлик қизнинг соф қаттиғидан.

Ҳаволари пок, мусаффордир,
Тўйиб-тўйиб олгулик нафас.
Сувлари минг дардга даводир,
Ичган билан чанқоғинг қонмас.

Тоғни тешиб ўсмиш бир дарахт,
Барглари нақ ялтирар чўғдай.
Шамолларда турар ҳилпираб
Гўё тоққа қадалган туғдай.

Бу дарахтнинг оти ҳам қизиқ —
Аталаркан гўзал Туғдона.
Тоғу тошлар кетса-да қизиб,
У гуркираб ўсар мардона.

Тўғдонага узоқ термулиб,
Ҳайрат ичра қолдим лол-караҳт
Шу тоғлик халқ иродасининг
Рамзи эди гўё бу дарахт.

Қадим Бойсун кенгликларидай
Бу ерликлар феъли экан кенг.
Сахийлигу тантилиқда ҳай-
Ҳар бири нақ Ҳотамтойга тенг.

Одамлари содда, самимий,
Ниятлари тонгдай беғубор.
Чўққиларнинг оппоқ қоридай,
Қалбларида йўқ зарра ғубор.

Бу ерлик халқ, мен сизга айтсам,
Айёрлигу қувликни билмас.
Бировларнинг мол-дунёсига
Мансабига қараб иш қилмас.

Улар мудом оға-инидек
Бир-бирларин қўллаб яшайди.
Бир-бирига ҳеч сақламай кек,
Эзгуликлар тилаб яшайди.

Гар бировга тегмаса нафи,
Шу кун улар тиним билишмас.
Ҳар кун савоб бир иш қилмаса
Кўнгиллари сира тўлишмас.

Бу диёрнинг мард ўғлонлари
Чўрткесару дангал, паҳлавон.
Душман учун чақиндир қаҳри,
Дўсти учун фидо қилур жон.

Бу диёрнинг сулув қизлари
Хиёнатни, киборни билмас.
Қалбда пинҳон ноёб ҳислари,
Муҳаббатин овоза қилмас.

Бунда майин еллар-ҳузурбахш,
Мангу эсиб кўнгилни хушлар.
Дов-дарахтлар аро чуғурлаб,
Мангуликдан куйлайди қушлар.

Бу диёрда Меҳру оқибат,
Одамийлик толгандир қадр.
Шу боисдан бу макон мангу
Парвардигор паноҳидадир.

Меҳмондўст халқ куни бўйи денг
Дастурхонни роса чошлашди.
Дарддан фориқ бўлурсиз деб сўнг
Муздек сувга бизни бошлашди.

"Омонхона" бағридан яйраб,
Тўлиб тошдик кучу қувватга.
Ўн беш кунлик ой каби яшнаб,
Юрак тўлди меҳру шафқатга.

"Омонхона" шундай ажиб жой,
"Омонхона" шундай хуш маъво.
Ҳар қандайин дардга ҳойнаҳой
Бу масканда топилгай даво.

Соя-салқин қирғоқларида,
Кезмоқ жонга роҳатдир бисёр.
Дардга даво гиёҳларида,
Ибн Сино бобом руҳи ёр.

Ёшлигида Чори бобомиз
От чоптирган экан тоғ-тошда.
Бугун эса гиёҳ улашиб
Дуо олар кексаю ёшдан.

Бу масканда яшар шод-хуррам,
Эзгулик деб елиб юрганлар.
Дўсти тугул, душманига ҳам
Омонликни раво кўрганлар.

Шундай ажиб туйғулар билан
Қайтдик дўстлар, "Омонхона"дан.
Қушдек енгил бўлди руҳи тан,
Қайта туғилгандек онадан.

"Омонхона", сенинг шаънинга,
Битдим мана, мўъжаз бир достон.
Она юртим гўзаллигига —
Яна бир бор келтириб иймон.

Мен бағрингда ҳис этдим, қадим
Табиатнинг ажиб сеҳрини.
Яна бир бор дилдан англадим
Она халқим жўшқин меҳрини.

Кўп мўъжиза кўрди нигоҳим,
Лек таърифлаш мушкул барчасин.
Қояни тарс ёриб, оллоҳим
Очиб қўймиш Жаннат дарчасин.

Ундан чиққан ҳур фаришталар
Кезиб юрар Омонхонада.
Улар кимни қўллар бўлса гар
Дард қолмагай жону танада.

Фаришталар эса ҳамиша
Эзгуликнинг элчиларидир.
Улар бизга қувонч улашар,
Улар бизга улашар меҳр!

Шу муқаддас фаришталардан
Биз ҳам ибрат олайлик, дўстлар!
Одамийлик хислатларига
Мангу содиқ қолайлик, дўстлар!

Юрак ёнсин бамисли гулхан,
Эзгуликка тўлсин бу дунё,
Одамлари соғ-омон юрган —
Омонхона бўлсин бу дунё.

МУНДАРИЖА

ИШҚИНГ БИЛАН ЁНУРМАН, ВАТАН

Огоҳлик.....	3
Боқийсан, Ватан.....	4
Ғамларингга шерикмиз, Беслан халқи.....	5
Дунёга келдингу.....	6
Ватан ўғлонлари қўшиғи.....	7
Қасамёд.....	7
Болаликнинг шўхликлари.....	8
Куз.....	9
Қорлар ёғар.....	10
Эзгуликлар салтанати.....	11
Аёз, ҳали каминг бормиди.....	12
Кулиб кел.....	12
Қалдирғоч.....	13
Соғинч дарвозаси.....	14
Адабиётсиз ва санъатсиз.....	15
Муҳаммад Юсуф.....	16
Умр қадри.....	17
Кўнгил қолмасин.....	17
Исламанг.....	18
Сувга зор бўлган.....	18
Мажнунтол.....	19
Ғафлат уйқусидан.....	20
Заминдан оёқ узма.....	20
Таъзимдадир сизга замину замон.....	21
Сабрли бўл.....	22
Марду майдонлар юрти.....	23
Яхши отнинг қисмати (замонавий эртақ).....	24
Туюқлар.....	26
Тўртликлар.....	27

СЕН БИРЛА ЯШНАСИН ОЧУН, МУҲАББАТ

Ким тинглагай.....	28
Айрилиқ дарди.....	29
Армонли муҳаббат.....	29
Қайдасан, чин муҳаббат.....	30
Чамандаги учрашув (дуэт).....	31
Олам тўлсин зиёга (дуэт).....	32

ҒАЗАЛЛАР

Ўзбегим гўзаллари.....	34
Яралгай.....	35
Кўнглимдадур.....	35
Мастана-мастана.....	36
Яшарман.....	37
Баъзан умр.....	37
Сарвинозим.....	38
Ёр учун.....	38
Билингай.....	39

МУҲАММАСЛАР

Машраб ғазалига мухаммас.....	40
Ғарибий ғазалига мухаммас.....	41
Ҳамид Олимжон ғазалига мухаммас.....	42
Тошпўлат Аҳмад ғазалига мухаммас.....	43
Сирождин Сайид ғазалига мухаммас.....	44
Олимжон Холдор ғазалига мухаммас.....	45
Сулаймон Шодиев ғазалига мухаммас.....	46

БАҒИШЛОВЛАР

Устозлар.....	48
Ғиждувонингга таъзим.....	49
Бағри кенг уммон.....	50
Умримиз фурсатлари.....	51
Қаламингиз синмасин.....	52
Борган сари.....	53
Қолур.....	54
Кўнглим ичра.....	55
Бойсун сафари (достон).....	57

Зикрилла НЕЪМАТ

СОҒИНЧ ДУНЁСИ

Муҳаррирлар *Асад Дилмурод, Абдуҳошим Ирисбоев*
Бадиий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*
Техник муҳаррир *Рустам Исакулов*
Мусаҳҳиҳ *Юсуф Файзулло*

Босишга рухсат этилди. 28.11.2006 й.

Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆.

Босма табағи 4,25. Адади 1000 нусха.

Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 196

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Х. Сулаймонова кўчаси, 33